

75

К-53

ҚУДРАТОВ Р.К., АБДУМАЛИКОВ Р. А.,
ХОЛДАРОВ Т. Х.

СОГЛОМ АВЛОД
ТАРБИЯСИДА ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ВА СПОРТ

(Уқув-услубий қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2003 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚУМИТАСИ**


**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ**

**А.ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚУДРАТОВ Р.Қ., АБДУМАЛИКОВ Р.А.,
ХОЛДАРОВ Т.Х.**

**СОГЛОМ АВЛОД
ТАРБИЯСИДА ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ВА СПОРТ**

(Ўқув-услубий қўлланма)



ТОШКЕНТ – 2003 й.

Ўкув-услубий қўлларни Узбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг ўзмий кенгаши томонидан тавсия этилган ва Республика ўзмий-услубий кенгаща маъқулланган.

МУАЛЛИФЛАР:

ҚУДРАТОВ РОПИЖОН ҚУДРАТОВИЧ, ЎзДЖТИ ректори, доцент, педагогика фанлари номзоди.

АБДУМАЛИКОВ РАВШАН, доцент, педагогика фанлари номзоди.
ХОЛДАРОВ ТУРҒУН ХОЛДАРОВИЧ, Жиззах ДПИ доценти, педагогика фанлари номзоди.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

ӘШШАЗАРОВ Ж.Э. Самарқанд Давлат университети жисмоний тарбия факультети декани, профессор.

МУҚИМОВ О., Жиззах ДПИ жисмоний тарбия факультетининг декани, доцент.

Буюк келажак аммоудларини жисмоний ва маънавий баркамоллика сиптириш, унда жисмоний тарбия, спорт, халқ миённи ўйинлари ва бошқа турли омишлардан фойдаланиш, уларни давр талаблари асосида ишқим қилини йўлини ушбу ўкув-услубий қўлланмада уз ифодасини топиш. Шу сабаблини жисмоний тарбия соҳасидаги талабалар, шунингдек барча ўрта макеус олий ўкув юртларининг ёш мутахассислар ҳамда бошлигинич жисмоний тарбия жамоаларидағи ходимлар кенг фойдаланишила-ри ташди ишловин. Жисмоний тарбия машқлари билан мустақил равити-ди шуғуллануучинор ҳим мяқсадли фойдаланишлари мумкин бўлади.

КИРИШ

Жаҳондаги барча давлатлар, ҳалқлар энг аввало саломатликни сақлаш, жисмонан бакувват бўлиш, узоқ умр кўриш ва улар билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳамда умуммаданий жараёнларга жиддий эътибор билан қарашади. Бу табиий бир ҳолдир.

Юртимиздаги аҳолининг барчаси бу йўлларни яхши билади ёки ўз вақтида улардан мақсадли фойдаланмоқдалар, деб айтиш қийин бўлса ажаб эмас. Шу сабабдан барча ёщдаги кишиларда, айниқса ёш болаларда турли касалликларга чалиниши, жисмонан заиф ҳолатлари кўп учрайди. Бундай нохуш воқеиликларнинг олдини олиш мақсадида тиббиёт соҳаси узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келади. Барча соҳадаги таълим-тарбия жараёнларида саломатликка эришиш йўлларини ўргатиб келинмоқда. Ҳадислар, турли хил дostonлар, бадиий асарларда табиий ҳаракатларни усталик билан бажариш, жисмонан чиникиши, маҳоратта эришиш масалалари чукур баён этилганилигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Айниқса буюк аллома Абу Али Ибн Синонинг илмий меросларида инсонни туғилишигача ва ундан кейинги бир умр бўйича парваришлаш, жисмоний тарбиялаш, чиниқириш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Бундай жараёнларни давом эттириш ва ҳаётда амалий жиҳатдан фойдаланишда ҳозирги давр педагогика, анатомия, физиология, гигиена, жисмоний тарбия фанлари ва бошқа илмий асосланган илгор тажрибалар асосида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида соғлом авлодни тарбиялаб этиштириш, уларнинг жисмоний ва маънавий камолотини доимий равишда ошириб бориш талбир-чоралари ишлаб чиқиши. Аҳолининг барча табакалари ва қатламларида жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ миллтий ўйинларидан кенг, мақсадли фойдаланишларига шароитлар яратиб берилмоқда. Жисмоний тарбиянинг саломатликни яхшилаш, меҳнат қобилиятини ошириш, умрни узайтиришдаги афзалтиклари ҳакила телерадио, матбуотларда кенг кўламда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Махсус адабиётлар, ўкув-услубий кўлланмалар нашр этилмоқда. Улардан мақсадли ва онгли равишда фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Республика олий ўкув юргларининг жисмоний тарбия факультетлари (16ta), Олимпия ўринбосарлари коллежлари (ҳар бир вилоят марказида) соғломлашгирувчи жисмоний тарбия уларнинг ўкув режалари асосида дарс сифатида ўтказилмоқда. Бошқа турдаги ўрта махсус ўкув юртлари (коллежлар,

лиңсейлар ва ҳ.к.) ҳамда барча олий ўкув юртларида (улар 60дан ортиқ) жисмоний тарбия дарслари ҳамда оммавий спорт тарбияларица соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва халқ милий ўйинлари маълум даражада қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек аҳоли истикомат жойлари, мактаб ёшигача болалар муассасаларида турли байрамлар ва анъанавий маросимларда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ҳамда халқ милий ўйинлари оммавий равишда ташкил этилмоқда.

Ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари, турли хил давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, қишлоқ меҳнаткашлари орасида соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва халқ милий ўйинлари кенг кулоч ёймоқда.

Спорт иншиотлари ва маданият марказларида, айниқса болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларида (БУСМ) ҳамда Республика Олимпия ўринбосарлари спорт мактабларида (РОУСМ) ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг спорт маҳоратларини тобора оширишда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва халқ милий ўйинларидан мақсадли фойдаланилмоқда.

Бундай куп тармоқли ва кенг қиррали соҳаларда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва халқ милий ўйинларини ташкил қилиш йўллари ва уларнинг мазмуни ҳамда моҳиятларини илмий педагогик жиҳатдан ўрганиш, тегишли ўқув-услубий қўлланмалар яратиш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу үлай муаммолар счимини топиш ва жисмоний тарбиянинг саломатлигиги яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаб етиштиришда ушбу қўлланма маълум даражада хизмат қиласди деган умидламиз.

I-БОБ. СОЕЛОМЛАШТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ.

1.1. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА УНИНГ СОЕЛОМЛАШТИРУВЧИ ОМИЛЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР.

1.1.1. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН СИФАТИДА.

1 Жисмоний тарбия инсон танасини (организм) шакллантирувчи, унинг барча ҳаракат фаолиятини таъминловчи ҳамда ривожлантирувчи тарбиявий жараён ҳисобланади. Унинг мазмунида ҳар хил жисмоний (гимнастика) машқлари, ўйинлар, табиий ҳаракатлар мужассамлашган. Шунингдек соф ҳавода сайд-саёхатлар қилиш, табиатнинг соеломлаштирувчи таъсир кучлари (куёш, ҳаво, сув) ҳамда тозаликка риоя қилиш (гигиена) жисмоний тарбиянинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Жисмоний тарбия омилларидан мақсадли, самарали ва онгли равицда фойдаланиш меҳнат қобилиятини ошириш, узоқ йиллар соелом яшаш ва руҳий ҳолатни, кайфиятни доимий равицда яхшилашга ёрдам бериши қадимги ривоятлар, илмий-тиббий манбалар, бадиий асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Шу туфайли қадимти аждодлар ижтимоий турмуш шароитларида жисмоний тарбиядан ов қилиш, жангларга тайёрланиши ва узоқ умр кўриш мақсадида кенг фойдаланганлар.

Жаҳон ҳалқлари, шунингдек Узбекистонда ҳам жисмоний тарбиядан унумли фойдаланиб келмоқда. Бунда мактабгача ёщдаги болаларни соелом қилиб ўстиришда тарбия муассасалари ва оиласда маҳсус жисмоний тарбиядан кенг фойдаланилмоқда. Барча турдаги ўқув юргизларида жисмоний тарбия умум таълим давлат таълим андозалари асосида дарс сифатида ўтказилмоқда. Аҳоли турар жойлари, спорт иншоотлари ва ишлаб чиқариш меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва Халқ милий ўйинларини мақсадли ўтказиб борилмоқда. Бу тадбирлар болалар, ўқувчи ёшларнинг жисмоний камолотини ўстиришда фаол хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, жисмоний тарбиянинг илмий ва ижтимоий-педагогик ҳусусиятлари ҳамда унинг тарбиявий моҳиятлари тортимиз олимлари Ш.Х. Ҳонкелдиев, Т.С. Усмонқўжаев, Д.Ж. Шарипова, А.К. Атоев, Э.А. Кошбаҳтиев, Ф.Керимов, Р.С. Саломов, К.М. Маҳкамжонов, Ҳ.Т. Рафиев, Ж.Э. Эшназаров ва б.к. томонидан ижобий равицда мукаммал асослаб берилган.

Унарнинг илмий тадқиқотлари натижалари ва ўқув-услубий қўлини маҳали мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнларида ҳамда аҳоли ўргасида кенг қўлини имлоқда.

Республиканинг барча шаҳарлари ва туманларининг марказлаштирилган ягона дастур асосида ташкил этилмоқда. Унинг мазмунидаги «Соғлом авлод», давлат дастури, «Алпомиши» ва «Барчиной» махсус тестлари талаблари ўз ифодасини топғанлиги билан ижтимоий-педагогик хусусиятларни билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» (1997), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (2000) қонунилари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган қарорлари (1993, 1996, 1999, 2000) аҳоли ўргасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ўкувчи ва меҳнаткаш ишчи ёшларнинг жисмоний камолотини ўстиришга қаратилганлиги муҳим аҳамиятта этадир. Шу туғайли аҳоли зич яшайдиган жойларда спорт иншоатлари, соғломлаштириш марказлари, тиббий хизмат масаканлари, маданият муассасаларини кўпайтириш яхши йулга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳолишининг саломатлигини муҳофаза қилиши, жисмоний тарбиянинг ижтимоий-педагогик жараён сифатида тан олиш зарур экантигининг далолатидир.

1.1.2. САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОХАЗАЛАР.

Ер куррасидаги барча инсонлар ўз саломатлигини ўйлаш, болаларни жисмонан баркамол қилиб ўстириш, соғлом турмуш кечириш, узоқ умр кўриш орзу – истаги билан яшаб келади.

Қадимги юонон олимлари Герадот, Аристотель, Геркулис ва бошқалар саломатликни тиклаш, уни мустахкамлашда бир қатор дориворларни тавсия этиш билан биргаликда, фаол ҳаракатлар, очиқ хавода жисмоний машқлар бажариш кераклигини амалда ўзлари исботлаганлар. Яъни қадимги Грек Олимпиадаларида қатнашиб, ўзларининг маҳоратлари ва жисмоний үринишилари, кучларини намойиш қилганлар.

Ривоятларга қараганда Александр Македонский (эрадан аввалги 329й.) шифобахш сув излаб ҳозирги Тожикистон тоғларидаги булоқлар, дарёлар, кўлларни кезган экан. Шу сабабдан ҳозирги Федченко тоғлари орасидаги (Помир) Искандар кўлни унинг иоми билан боелашибади. Бунда қандайдир афсона ва ҳақиқат намуналари борга ўхшайди.

Эхтимол ўша даврдаги донишмандлар шифобахш сун асосида саркардалар ва уламоларни узоқ жойларга сафар қилиш, саёҳат қилиб ҳордик чиқариш, даволаниш ҳамда фаол ҳаракатлар билан саломатликни чиниқтиришига даъват эттан бўлиши мумкин.

Саломатликни яшилаш, жанговарлик тайёргарлигини тарбиялаш «Авесто» (2700 йил аввалги китоб), «Алномиши», «Гурғели», «Шоҳнома», «Монас», «Ромаяна» (хинд халқи ҳақида), «Кирк қиз», «Тоҳир ва Зухра» ва бошқа достонлар, тарихий манбаларда тўла ифода этилган.

Буюк саркарда ва соҳибқирон Амир Темур, давлат арбоблари Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Султон мирзо Улугбек, мутаккид шоир ва подшо Закиридин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг ҳам жисмоний тарбия машқлари билан амалий равищда мунтазам шугулланганишлари ҳақида уларнинг китоблари далолат берали. Улар шу билан биргаликда давлатни идора қилиш, маданиятни юксалтириш, халқ соғлиғи, эл тинчлиги ҳамда юрт бойлити учун курашганлар. Улар Муҳаммад (а.с.)га Аллоҳ томонидан нозил қилинган Куръони Каримда айттилганидек, аъзойи-баданни тоза тутиш, мунтазам равищда баданни парвариш қилиш (ювиш, укалаш, ҳаракатлантириш ва ҳ.х.) меҳнат ҳамда фаол ҳаракатлар билан тетик, бакувват бўлиш керак, деган таълимотларга итоат этталар. Шу туфайли Ислом динининг илтор юяларини олға сурғанлар.

Яқин ўтмишнимиз ва юртимиз мустақиллиги даврида кишиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланнишларига асос солинди ва етарли даражада шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса ёшлиар ўртасида жисмоний тарбия ва халқ мислий ўйинларининг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ўрни келганда айтиш лозимки, ўқувчи ёшлиар ва талабаларнинг ҳаётига жисмоний тарбия ва спорт қанчалик сингдирилишига ҳаракт қилинмасин, мълум бир вақт ўтгач (ўқишилар тугаб меҳнат жараёнига киришгач), уни кўпчилик кишилар тарк этаётганлиги ҳаётда кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаблари ҳақида тадқиқотчи олимлар Р.С. Саломов, Р.К. Кудратов, К.Д. Ярашев, Р.Д. Холмуҳамедов (УзДЖТИ), Ҳ.А. Мелиев, Б.Бўрибоев, Р.А. Қосимова (Самарқанд ДУ) ва б.к. ўз фикр-мулоҳазаларини қўйидагича баён этишганлар, яъни:

1. Инсонлар жисмоний тарбиянинг назарий ва амалий моҳиятларини чукур эгалламасликлари натижасида машқларни мунгазам бажаришга одагланмаётирлар.

2. Болалар боғчалари ва барча турдаги ўқув юртларида жисмоний тарбия давлат дастури асосида дарс сифатида мажбурий ўтил-

сада, уларнинг мазмун ва шаклларини ёшлар ўз ҳаётларига тўла сингдириб олишмаётир.

3. Ислом дини оламида намоз ўқиш ва у билан боғлиқ бўлган тарбиявий жараёнлар (таҳорат, ибодат, ўтириб-туриш, энгашиш, ўнг ва чап томонларга бошни буриш, кўл ҳаракатлари ва х.к.) уйда, меҳмондорчилликда ва бошқа ҳолатда ҳам бирдек талаб килинади. Ҳар куни, айниқса жума кунлари масжидга чиқиб намоз ўқишининг ҳосияти барчага маълумдир. Шу сабабли намоз ўкувчи кекса-ёш унинг туб маъносига тушуниб еттан ҳолда, игоаткорлик, руҳий ишонч, имон келтирган ҳолда бажарадилар. Жисмоний машқларнинг одам танасига келтирадиган фойдаларини кўпчилик билишмайди ёки унга игоат этишмайди, амал қилишмайди. Чунки бу ҳолатлар баъзи мутасадди ҳодимлар, идоралар, ўкув юртлари, қоловерса оиласарда мақсад йўлида жиддий талаб этилмайди. Машқларни онгли равишда бажариш маданияти хали барчага сингиб бормаётир, дейиш мумкин. Шунингдек барча кишиларнинг жисмоний машқлар билан шугулланниб туришлари, уни назорат қилиш зарурияти борга ўхшайди, балки бу жиҳатларни ҳам «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ва бошқа соҳалардаги қонунларнинг мазмунида ифода этиши керакдир. Бунда жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шугулланувчиларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириб туриш, меҳнат ва ижодий жараёнларда ҳавас билан кизиқиб шугулланувчилар, буни одат қилиб олганларни ҳам худди шундай рағбатлантириб турилиши кузда тутилмоги лозим бўлади. Айниқса, ўкув ва меҳнат жараёнлариҳамда кундалик иш режими таркибига жисмоний машқлар билан шугулланышни киритиш (ҳар куни 2-3 маротаба, иш соҳасига қараб 10-15 дақиқа), меҳнатнинг ажралмас бир қисми, иш интизоми, деб тан олиниши, маошларга ижобий ёки салбий таъсир этиши керак, яъни соғлом ва доимо жисмоний машқлар билан шугулланувчиларга қўшимча ҳақ ёки мукофотлар берилшиши, акс ҳолда маошлардан қисқартирилши керак.

Яна таъкидлаш керакки, масжидларда жума кунлари намоздан олдин ва кейин ҳам одоб-аҳлоқ, маънавият-маърифат мавзусида вазхонлик, панд-насихатлар ўқилади. кўпчилик кишилар уларга тўла амал қилишади. Чунки уларнинг амалий натижалари ҳар куни ҳаётимизда у ёки бу шаклда ёки мазмунда учраб туради.

Стадионлар, ўйин майдонларида ҳам худди шундай тарзда жисмоний тарбиянинг ижтимоий-маданий ҳамда тарбиявий моҳиятлари ҳақида маърузалар, сухбатлар, амалий тажрибалар, илмии тад-

қиқотларнинг натижалари, амалий тақлифлар айтиб берилishi мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Донишманд халқимиз «Соф танда-соғлом ақд», «Юз йил хасталик азобида яшагунча, бир кун роҳатда яша» каби мақолларни бежиз яратмаган бўлсалар керак.

Мустақил Республикамиз жаҳон миқёсидаги бозор, ташки савдо алокса, ахборот, спорт, маданият ва бошقا соҳаларга дадил кириб бораёттан бир даврда туб ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бундай ҳолларда халқнинг турмуш фаровонлитини ошириш ва буюк қелажак авлодларни жисмоний ва маънавий баркамолликка етиштириш мухим масалалардан бири қилиб қўйилмоқда.

Республика Президенти И.А.Каримов бу масалаларга муносабат билдирад экан, шундай дейди: «Биз наслимиznинг келажаги – соёлом авлод учун кураш бошладик. Шу ном билан орден таъсис этдик ва маҳсус халқаро жамғарма туздик. Бу бежиз эмас. Соғлом деганда биз фақаттина жисман бакувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда туттанимиз. Чунки ҳар тарафлама соёлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгib бўлмайди».

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ўзбекистон Республикасида барча Фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеъидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» дейилган (18-модда).

Бу барча имкониятлар ва фаолиятлар билан биргаликда ҳар кимнинг саломатлиги учун кураш, ҳаракат қилиши, жисмоний машқлар билан истаганча шугулланишларига кафолат берувчи асосдир, дейишга тури келади. Бу жиҳатларни оила, мактаб, барча ўкув юрглари, турли муассасалар, ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоалиари, айниқса аҳоли истиқомат жойларида кент тарбибот қилиш зарурияти туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунида (2000й.) «Жисмоний тарбия Ўзбекистон Республикаси халқлари миллый маданиятининг ажralmas қисми, жисмоний ва маънавий камолотнинг мухим воситаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқлари ўртасида дустликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишига хизмат қиласи». (1-модда) дейилган. Бу эса ўз навбатида халқ саломатлигини такомиллашибиришга сабаб бўлувчи имкониятларни яратишга хизмат қиласи. Шунингдек бу қонунда боғча, спорт мактаблари, спорт жамоалари, ўкув юрглари ва барча ишлаб чиқариш корхоналари

ҳамда аҳоли турар жойларидаги жисмоний тарбия ва спортта боғлиқ бўлган хўжалик, иншоот, молия-тъминот соҳаларида давлат ёрдам бериши акс эттирилган.

«Таълим тўғрисида»ги қонунда (1997й.) «Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши тўғрисида камхўрлик қилишлари шарт» (30-модда) деб кўрсатилган.

Қонунда барча турдаги ўкув юргларида жисмоний тарбия машгулотларининг сифатини яхшилаш, ўқигувчи ёшларнинг жисмоний жиҳатдан ривожланишини тъминлаш тиббий хизматларни тараб даражасида олиб бориш ҳамда ўкувчиларнинг жисмоний камолотини ўстириш энг асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган. Бу жиҳатлар ЎзРВМнинг «Умум таълим давлат таълим стандартлари ни тасдиқлаш тўғрисида»ги (1999й.) қарорида ҳам алоҳида тъкидланган. Бундай улугвор ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда «Алпомиши» ва «Барчиной» маҳсус тестлари мажмуи (2000й.) ҳам ўзига хос хусусиятларга эга эканligини эътироф этиш лозимdir.

Тъкидлаш жоизки, юртимизда жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ милий ўйинлари билан шугулланишга давват этувчи кўптина ўкув-услубий ҳамда илмий оммабоп қўлланмалар, рисолалар нацир этилган. Шунингдек ҳар йили анъанавий равища ўтказиб келинаётган Республика илмий-назарий ва амалий анжуманларининг илмий тўпламларида муаммовий масалалар ҳақида қимматли мулоҳазалар изҳор этилган. Уларда оммавий соғломлаштириш жисмоний тарбия ва спорт, саёҳат ҳамда ҳалқ милий ўйинларининг янги мазмунлари, турлари, шакллари ўз ифодасини толган. Энг муҳими шундаки, саломатликни яхшилаш йўлида уқалашлар (массаж) ва сайд-саёҳатларнинг афзалликлари қизиқарли равища ўз мазмунларига эгадир.

Яқин ўтмишимизга бир назар ташласак, «Жамоа бўлиб стартга», «Ҳамма стадионга», «Отам, онам ва мен» каби шиорлар билан йирик спорт мусобақалари ўtkazilgan. Мактаб ўкувчилари, ўртамаҳсус ва олий ўкув юргларининг ўкувчи талабаларининг спартакиадалари, оммавий саёҳатлари, «Саломатлик кунлари», «Кувноқ стартлар», «Аҳоли истиқомат жойларида, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда дам олиш, истироҳат боғларида оммавий соғломлаштириш спартакиадалари» муҳим аҳамият касб этганligини билиш қийин эмас. Натижада ўкувчи ва ишчи ёшлиар, меҳнаткаш аҳолининг жисмоний тарбия, спорт ва саёҳатлар билан мунгизам

шугуланишларига маълум даражада эришилди. Уларнинг самаралари ёмон бўлмади. Бундай тадбирлар жисмоний тарбия таълимининг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашишита ўз ҳиссанни кўшди.

Юқорида таъкидланган ижобий тадбирларнинг самаралари мустақиллик йилларида тобора мазмун жиҳатдан бойиди. Аҳолининг турли қатламидаги меҳнаткашлар, зиёллар, ижодкорлар, жисмоний тарбия ва спортнинг саломатликни мустахкамлаш, жисмонан ривожланишдаги туб моҳиятларига эътибор бера бошлади. Шаҳарлар ва туманларнинг марказларида, ҳатто йирик қўргонларнинг катта ҳиёбонлари, ўйин майдонлари, кўча ва ҳовли юзаларида мустақил равишда жисмоний машқлар билан шуғулланувчилар сони кун сайин кўпаймоқда. Бунда соғломлаштирувчи югуриш, гимнастика машқлари, футбол ва бошқа спорт турларининг элементлари билан машқ қўлувчилар, ҳатто қишининг совуқ кунларида ҳам анҳорларда сувда сузувлар (моржлар сони кўпаймоқда. Бундай жиҳатлар энг кичик болалар, ўсмирларва йигит қизларга ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда. Ўзбек кураши, турон, кўл жанги, шарқона яъса курашлар, футбол, бокс, теннис каби қизиқарли спорт билан шуғулланувчиларнинг сони беҳисоб, деса бўлади. Бунга спорт иншоатлари, аҳоли турар жойлари, ўкув юртларининг спорт залларидағи машғулотларни кўз олдингизга келтирсангиз бошқа ифодаларга ўрин қолмаслиги табиий бир ҳолдир.

Аҳолининг, айниқса ўкувчи ва ишчи ёшлар, талабалар, маҳаллий миллат қизларининг жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халк миллий ўйинлари билан мунтазам равишда кизиқиб, мақсадли шугуланишларини мустақиллик берган неъматлар, қолаверса аҳолининг маданий турмуш даражаси ўсиб бориши негизидаги муқаддас тарбиявий жараёнлар дейиш мумкин.

1.1.3. СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАСИ.

Жисмоний тарбиянинг мазмўни, унинг воситалари ва шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, саломатлиги ҳамда жисмоний тайёргарлигига қараб кўлланиш усуслари алоҳида ишлаб чиқилғанлиги, уларнинг амалда кент кўлланилаётганини эътиборга лойикдир.

Булар орасида соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва унда фойдаланиладиган воситалар, усуслар ва мазмуни ва моҳиятига эгадир. Жисмоний тарбия машқларининг инсон танасига ижобий

таъсир этувчи ва ривожлантирувчи хусусиятлари ҳақида юкорида бир мунча қайд этилди. Шу сабабдан бевосита соғломлаштирувчи жисмоний тарбия тушунчасига эътиборни қаратиш мүмкун мувофиқдир.

Буюк олим Абу Али Ибн Сино, таниқли рус олимни М.И.Саркизов Серазини ҳамда истеъодди олим Т.М.Смоңхўжаевларниң таъбири билан айтпандан жисман заиф, касалма, өлалар ва катта ёшдаги кишиларни жисмоний машқлар орқали даволаш-тарбиялаш, шунингдек соғлом кишиларни жисмонан ривожлантиришда қўлини ўзлагида турли-туман машқлар, уларни қўллаш усуллари-ни соғломлаштирувчи жисмоний тарбия деб тушунилади.

Бундан шундай мазнин ва маънно келиб чиқадики, фақат даволаш муассисалари, шифохоналардагина эмас, балки энг аввало ҳар бир оила, болалар боғчалари, ўкув юрглари, аҳоли истиқомат жойлари, дам олиш ва истироҳат боғлари, спорт иншиотларида соғломлаштирувчи оммавий жисмоний тарбия спорт тадбирларининг ташкил қилиниши соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг мөҳиятини очиб беради.

Эътироф этиш зарурки, спорт турлари билан шуғулланувчи-ларнинг машғулотларида ҳам соғломлаштирувчи воситалар, тадбирлар ўз мазмуни, вазифаси ва ўрнига эгадир. Яъни спортчиларнинг ихтисоси (спорт тури қайси соҳада бўлмасин, уларнинг ҳар томонлама равнак топиши, жисмонан чиниқишида жисмоний тарбия воситалари асосий ўринни эгаллайди. Айниқса спортчиларнинг толиқиши, чарчаши, жароҳат олиши ва бошқа фаолиятларда ихтисосликларидан ташкари (маҳсус машқлар) соғломлаштирувчи машқлар, ўтилар, уқалам (массаж) ва ҳоказолардан кенг фойдаланилади.

Умуман олганда жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланувчи-ларнинг ҳаракат фаолиятини назарда туттан ҳолда уларнинг меҳнат қобилиягини таъминловчи жисмоний машқлар, турли хил ўйинлар, сайд саёҳатлар соғломлаштириш вазифасини ўтайди.

Давлат идоралари ходимларининг (ички ишлар, ҳарбийлар, ўт ўчирувчилар ва ҳоказолар) жисмоний тайёргарлигини таъминлаш ва уларнинг маҳоратларини оширишда фақат маҳсус машқларгина қўлланилиб қолмасдан, балки умум жисмоний тайёргарлик, саломатликини таъминлаш, жисмонан тетик ва чақкон бўлишда ҳам соғломлаштирувчи жисмоний тарбиядан унумли ва мақсадли фойдаланилади. Бу ўз навбатида жисмоний тарбиянинг соғломлаштирувчи ва ривожлантирувчи хусусиятларининг ифодасидир.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машқлари аҳолининг турли қатламлари ва тоифаларида уларнинг саломатлiği, жинси, жисмоний тайёргарлiği ва машқларга бўлган қиқиқиши ҳамда эътиқодларига яраша белгиланишини юқорида қайд этилди. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг афзаликлари ва моҳиятларини тўла тушунган ва ўзлаштириб олган баъзи бир ижодкорлар (матбуот ходимлари, илмий муассасалар, марказларнинг вакиллари, юрак-қон томири билан касалланган кишилар ва ҳоказолар) эрталаб ўз уй шароити, кундузи иш жараёнларида 2-3 маротаба, ишдан кейин яна спорт ишшоитлари ёки соғломлаштириш марказларида машқлар бажаришни одат қилиб олишганларини таъкидлаш жоиз бўлар эди.

Баъзи бир кишилар эрталаб камида 5-6 км ва ундан ҳам ортиқ масофларга югуришади, қайси бирлари эса турли воситалар билан (гантел, пружина, резина лента ва ҳоказолар) машқ бажаришади. Ўзини соғлом сезган баъзи бир футбол мухлислари эса кунда 1-2 маротаба ўз ўртоқлари ва тентлошлари билан (иш жараёни ва маҳалла шароитида) футбол ўйнашади. Турли соҳадати кишиларнинг ўзаро бирлашиб (ишхона ёки маҳаллада) жамоаларни (командалар) тузиб футбол уйнашлари, мусобақа тарикасида баҳслашшилари (ўртада бирон нарса гаровда бўлиши мумкин) кўп жойларда одат тусига кириб қолган. Баъзидаги катта кичик кишилар улардан: «сенингга шу зарурмиди?» деб сўрашса, улар: «Ишдан хориб келгандаги футбол ўйини билан чарчоқни чиқарамиз, қолаверса соғлиқ учун жуда фойда», деб жавоб қилишади. Бундай тадбирларни ўз бошидан ўтказган, амалий равишда иштирок этганларгина буни шу тарзда изоҳлашлари табиийдир.

Демак, мустақил равишда шуғулланишлар, футбол ўйинлари ва бошқа ўйин машғулотлари ҳар қандай кишини соғломлаштиш, уларнинг кучига куч, руҳига руҳ бахш этиши муқаррар экан.

1.2. СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ.

Ҳар бир жарён, мұхитнинг ўзига хос мазмуни ва унинг турли омиллари мавжуд бўлади. Бундай жараёнлардан жисмоний тарбия ҳам четда эмас.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фати жисмоний тарбия ва унинг воситаларини (омиллари) алоҳида бслгилаб беради. Ўзбекистон мустақилларининг ҳозирги даврида жисмоний тарбия

тизимида халқ милий ўйинларининг ҳам жисмоний тарбия воситаси сифатида ифодалаш ва уларни мақсадли йўлларда қўллаш жараёни вужудга келганинги эътироф этмоқ зарур.

Хуллас фан ва амалиётда илмий-услубий жиҳатдан асосланган ҳамда қўлланилаётган жисмоний тарбия воситаларини кўйидаги турларга (йўналишлар) ажратиш мумкин, яъни:

1. Умумривожлантирувчи жисмоний (гимнастика) машқлари (турли предметлар билан ва предметсиз бажариладиган машқлар).
2. Ҳаракатли ўйинлар (миллий ҳаракатли ўйинлар).
3. Спорт турлари.
4. Саёҳатлар, сайдрлар, саргузаштлар, томошалар.
5. Табиатнинг соғломлаштирувчи таъсир кучлари (омиллари).
6. Үқалаш (массаж).
7. Халқ милий ўйинлари (от ўйинлари, дорбоз, кураш ва ҳ.к.).
8. Спорт буюмлари, асбоб-ускуналар ва иштоотлар.

Уларнинг ҳар бирига алоҳида қисқача изоҳларни кейинти бўлимларда баён қилинади.

1.2.1. УМУМРИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Илмий-назарий педагогика, фалакиёт, тиббиёт ва ҳатто диний китобларда ҳам инсоният мажудлиги ҳамда унинг амалий фаолиятини таъминловчи асосий омил ҳаракат эқанлиги ифодаланади ва тан олинади.

Ҳаракатлар жарёнида инсон танаси бевосита турли шаклларга киради (эгилиш, бурилиш, йигилиш, таранглашиш ва ҳ.к.). бунда амали-табиий ҳаракатлар жараёнида барча бўғинлар ишга тушади ва мушакларнинг таранглашиши, тортилиши (қисқариши) оқибатида танадаги барча аъзолар ўзига хос ҳаракатта келади ҳамда мақсаддаги вазифалар (функциялар)ни бажаради.

Ҳаракатлар натижасида қон айланнишининг тезлашиши юз беради ва хужайра, тўқималардаги жонланнишни таъминлайди. Шунингдек мушакларнинг ҳаракатлари ва қон айланниши, нафас олиши ва чиқариши чукурлаштиради. Бу уз навбатида қон айланиш тизими ва овқат ҳазм қилиш жарёnlарининг ишини юқорилаштиради. Бу эса ҳаракатларни янада яхшилаш ва ҳар қандай жисмоний машқларни бажаришга имконият яратади, гавдани озиқлантиради. Охир оқибатда инсон ҳаракатининг такомиллашуви, меҳнат қобилиятининг ривожланishi, руҳий кайфиятнинг яхши, соғлом бўлишига етаклайди.

Бундай тарбиявий жараёнларни амалга оширишда табиий ҳаракатлар ва маҳсус жисмоний машқлар хизмат қилади.

Жисмоний машқлар инсонларнинг ёши, жинси ва саломатлигини ҳисобта олган ҳолда кўлланилади. Жисмоний машқларнинг энг асосий воситаларидан бири умумривожлантирувчи машқлар ҳисобланади. Уларниг шакллари, мазмунлари ва бажарилиш мөъёллари мақсадга қўйилган вазифаларни амалга оширишдаги тури-туман йўлларда ифодаланади.

Умумривожлантирувчи машқлар деб тавсилот қилинишининг боиси шундаки, гавда ҳаракатини ишга солувчи турли хил машқларниг фаол таъсири барча аъзолар ва улардаги мушаклар, бўгинларни ҳаракатлантиради. Бундай машқларни одатда гимнастика машқлари ҳам деб юритилади. Гимнастиканинг мазмуни ва қоидаларига кўра умумривожлантирувчи машқлар тана тузилиши, қон айланиси тизими, мушакларнинг суяктарга тугашши, бўғинларниг ҳаракати билан бевосита боғлиқ ҳолда кўлланилишини давлат этади. Яъни энг аввало юракка яқин аъзолар (мушаклар), бўйин, елка, кўл, кўкрак ҳаракатлари, кейин эса бел, думгаза, оёқларга машқлар берилиши кўзда тутилади. Бундай тартиб қоидалар қон айланиси билан боғлиқ эканлитини назарга олиш керак бўлади. Чунки қон айланиси, юқорида таъкидланганидек, хужайра, түқима ва тизимларни таъминлаши табиий қонуниятдир. Бундай ҳаракатлар, амалий фаолиятларни таъминлаш учун гавда аъзоларига алоҳида (кўл, оёқ, гавда ва ҳ. к.) ва бирданита (машқларни бажартганда барча аъзоларнинг иштироки) машқлар бериш мумкинлиги мавжуд. Бу усуслар шуғулланувчиларининг ёши, жинси ва жисмоний тайёргарликлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

1.2.2. ЭНГ КИЧИК ВА МАКТабГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ СОЕЛОМЛАШТИРУВЧИ МАШҚЛАРИ.

Мактабгача ёшдаги болаларниг ўсиши ва ривожланиш даражасига қараб анатомия, физиология, педагогика ва психология фанлари уларни кўпидаги гурухларга бўлишни тавсия этади:

I груп – тугилгандан 1 ёштагача бўлган давр.

II груп – энг ёш давр, яъни 1-3 ёшдагилар.

III груп – мактабгача ёшдаги давр, яъни 4-6 ёшдагилар.

Болаларнинг ёш даврлари жисмоний жиҳатдан ўсиши ва саломатлигини барқарорлите жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шу сабабдан уларни овқатлантириш, ухлатиши, соф ҳавода сайдиришиш ва турли туман табиий ҳаракатларига ўргатиш тартиб-қоида-

лари машжуд. Бундай тартиб-қоидаларга тұла риоя қылтнанда болалар оила шароити ва тарбия муассасаларида касалыкка кам чалиниши ва жисмонан яхши ривожланыш амалда синааб күрілган.

Жисмоний машқлар ҳаракат манбаъидир, дейиш мүмкін бўлади. Шу сабабдан бешикда ётган (ёки қўл-оёғи ботлиқ ҳолда ётган) боланинг қўл-оёқлари ечишганда қандай ҳаракатларни табиий равищда бажаришини кузатиб кўринг. У ўз ҳаракатларини қандай сабаблар билан бажаришини онгли равищда тушуна олмасада, табиий равищда оёқлари билан депсинади, қўлларини уйнатади, ҳатто у ёки бу томонга ағдарилмоқчи ҳам бўлади. Чунки бўшаган мушаклар беихтиёр болани ҳаракатта келтиради. Бунда юрак-қон томирлари, асаблар, хужайра ва тўқималарнинг “ишта тушганлиги”ни билиш қийин бўлмаса керак. Ёки бўлмаса энди ўтиришга ўрганаётган, юриш ҳаракатини бошлиётган, эмаклашни тез бажарадиган болалар ҳаракатига жиҳдий эътибор берилса, уларда катта ёшдаги кишиларнинг саъй-ҳаракатлари кўриниши намоён бўлади. Демак болалар энг ўшилиданоқ фаол ҳаракт қилишга жон-жаҳди билан интилишиади. Бундай ҳолатларни ёш ота-оналар, уйдаги барча кишилар яхши тушуниши, билиши ва болалар ҳаракатига амалий жиҳатдан ёрдам беришлари шартдир. Бунда куйидаги машқлар, ўйинлар ва ҳаракатлардан мақсадли фойдаланиши тавсия этиш мумкин бўлади.

Бола ётган ҳолида:

1. Тирсак, тизза бўғинларини эгиш (букиш) ва ёсиш - 3-4 марта.
2. Бошни қўл билан ўнг ва чапга буриш - 3-4 марта.
3. Қўлларнинг билаги (бармоқлари)дан тутган ҳолда қўлларни ўнга, олдинга, баландга кўтариш, кўкракка букиш - 3-4 марта.
4. Елка, бел ва думбасидан ушлаган ҳолда гавдани ўнг, чап томонга буриш, кейин қоринга думалатиш - 3-4 марта.

Боланинг 6-8 ойлик ва бир ёшта тулиш арафасида эса куйидаги машқларни кўллаш мумкин бўлади.

Утирган ҳолатда:

1. Олдинга, ён томонга ва орқага эмаклатиш (ёрдамлашиш йўли билан) - 3-4 марта.
2. Билакларидан ушлаб оёқларга тургазиш ва ўтқазиш - 3-4 марта.
3. Бошни ўнг, чап томонга буриб, бўйин ҳаракатини бажариш.
4. Ретина тўп ва ўйинчоқларни 2-3 метр узоқликка иргитиш ва унинг орқасидан боланинг эмаклаб бориб етиши, уни олиб ке-

лишни ургатиш, бунда суз ва имо-ишораларга ҳам алоҳида эътиборни қаратиш.

5. Кичик резина тўпларни қўлдан-қўлга алмаштириш, уни ирғитишга (отишга) ургатиш. Бундай ҳаракатлар ва ўйинларни 3-4 мартадан тақрорлаш, ёки боланинг қизиқишига қараб яна давом эттириш мумкин.

9-12 ойлик болаларга ургатиш зарур булган машқлар:

1. Думалатилган резина тўпига тез эмаклаб етиб бориш.
2. Юришни бошлаганда қўлларидан ушлаб тури ва айланга шаклда юргизиш.

3. Ўтирган ва юраётган ҳолда тўпни оёқлар билан тепиш (тегизиш) ва унга етиб олиш.

4. Девор ва бошқа буюмларга сунгандан, таянган ҳолда ўтириб туриш, ён томонларга юриш.

5. 1-2 метр масофадан туриб узатилган ва ирғитилган кичик, ўрта ва катта резина тўпларни илиб олиш ва узатиш.

6. Турли хил рақс машқлари, айланиш (ўтирган, турган ва юраётган ҳолда), депсиниш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда бир ёшгача бўлган болаларга жисмоний машқларни ўргатиб бориш, уларнинг табиий ҳаракатларидағи ўзгарипшиарни кузатиш, ижобий томонлар кўпайгандага машқларнинг турларини ошириш, бажариш меъёрларини ҳам тобора кучайтириш лозимдир.

Ҳавонинг илиқ ва қулай пайтларида машқларни бажартириш ва сайд қилиши мақсадга мувофиқдир. Ёш ота-оналар боғча опалари ва жисмоний тарбия мутахассисларидан вақти-вақти билан тегниши маслаҳатлар олишлари зарурдир.

Мальумки куп оиласларда (шаҳар шароитида) болаларни асосан 1-3 ёндан боғчага берилади ва улар мактаб ёшига тўлгунча боғчаларда тарбияланади. Болаларда табиий ҳаракат (тўри юриш, югуриш, сакраш, тўпларни улоқтириш, тўсиқлардан ўтиш ва ҳ.к.) ривожланиши бир ёшга тўлиши билан анча сезила бошлайди. Боғчаларда давлат дастури асосида жисмоний тарбия берилади. Лекин кўп вақт болалар уй шароитида бўлишади, ўрганган машқларини, ўйинлари ва турли ҳаракатларини тақрорлашади. Бундай ҳолларда ота-оналар (бувилар, опа-акалар ва ҳ.к.) алоҳида вақт ажратиб, улар билан турли машқлар, ўйинларни бирга бажаришлари, соғ ҳавода сайд қилишлари лозим бўлади. Шундай ҳолларда куйидаги ҳаракатлар ва машқларни тавсия этиш мумкин.

JIZZAK

INV. №

4425/5

KUTUB

2-Жылдаги болалар учун:

1. 20-30 м. масофага тез юриш, түп, гидиракларни думалатыш.
2. 15-20 м. масофага ирғитилган түп ёки думалатилган гидиракчаларға тез етиб олиш (югуриш).
3. Кичик арик, тупроқ уюмларидан ҳаклаб (сакраб) утиш.
4. Жойида туриб юмшоқ тупроқ устида сакраш.
5. 30-50 см. баландликлаги девор (стул) ёки тупрок уюмлари устидан пастта (тупроқ, күм ва бошқалар) сакраб түшиш.
6. Кувлашмачоқ ўйинлари, белгиланған жойга (30-40м.) ким тез югуриб боради каби ўйинлари.

4-Бұндаги болалар учун:

1. Бүгінларни ҳаракатлантирувчи жисмоний машқдар (елка, тирсак, бүйін, бел, тиззә ва ҳ.к.ни айлантириш, ўтириб туриш).
2. Түптарни құл ва оёқлар билан юргизиш, тұхтатиш, мақсадта ва узоққа тепиши.
3. Түпни хавога ирғитиб, девор ва ерга уриб уни илиб олиш, түпни құл билан узоққа ирғитиш (отиш).
4. 30-50 м. масофага ким тез югуриш машқоли 3-4 марта бажарыш.
5. Нарвон ва пастак даражаларға осилиб чиқиши.
6. Кураш ўйипиши (бир-бирини үшілаш ёки тутиш, қучоқлаб ұнқитиш ва бошқа турлар) ўйнаш.
7. «От чоптириши» (чүп ва ингичка таёклар) ўйинини бажарыш.
8. Күзни боғлаб бир чизик устидан юриш ва ҳ.к.

Бұ ўшдаги угил ва қызы болаларниң әттілігінің қаққонлігінде қараб арғамчы (скакалка), кичик халқа (обруч) ва бошқа воситалярда турлы машқтарни бажарыштың үргатылған яшіл самаралар беради.

Болалар табиий ҳаракатларини ривожлағтиришта қаратылған жисмоний машқдар, ҳаракатлы ўйинлар, спорт турларининг (футбол, кураш, тенис, бокс ва ҳ.к.) элементтерінде өзгерілген. Фақат улардан мақсадлы ва онғылай фойдаланышида ота-оналар тегишли адабиёттар, құлданмалар, күргазмали куроллар, телекүрсальшылар, мұтахассисларнинг маслағатларидан мақсадлы фойдаланышшары зарур.

Әттироф этиш лозимкі, кишлоқ шароиттада мектептегі ёшында бұлған болалар аксарият ўйда тарбия топады. Шунингдегі улар күп вакыттарини күча, боғ, дақа, төг олди сойларынан жақында үйиншілер билеп нақтлариппен үтказышады. Ота-оналар уларни ҳаракатынан, әсемдіктерінен жақында үйиншілер билеп нақтлариппен үтказышады. Ота-оналар уларни ҳаракатынан, әсемдіктерінен жақында үйиншілер билеп нақтлариппен үтказышады.

Ўйинларини ва ўтказаёттап вактларини кузатишади, кўз-кулоқ бўлиб туришади. Бунда болалар футбол, ҳаракатли ўйинлар, тепа қирларга югуриб чиқиши-тушиш, сакраш каби ҳаётий зарур бўлган турли хил машқлар ҳамда табиий ҳаракатлар билан машғул бўлишади. Ота-оналар бундай ҳаракатларни бажаришдаги болалар фоалиятини такомиллаштириш, эҳтиёткорлик йўлларини ўргатиб боришлири лозимdir.

Кишлоқ болалари кўпингча ўз эрки ва соф ҳавода юрганиклиари сабабли шамолларни касалтикларига ҳам учрайди, улар жисмонан тетик, чаққон, эпчил бўлиб ўсишади.

Демак мактабгача бўлган болаларни кўпроқ соф ҳавода ўйнатиш, у ўзлари ҳоҳлаган ва билган машқлари ҳамда ўйинларини кўпчилик (4-5 ва ундан ортик) бўлиб бажаришга имкон бериш, шунингдек янги машқлар ва ўйинларни уларга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир сўз билан ифода этилгудек бўлса, энг кичик ёшдаги ва мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний жиҳатдан ўсили, ривожланниши ва чиниқишилари ҳар хил бўлиши табиий ҳолдир. Уларнинг бундай ҳолатларига энг аввало ирсият, оила ва боғчалардаги тарбия, шунингдек очиқ-соф ҳавода кўпроқ юриши, ўйнашлари билан бевосита боелиқдир. Ана шу жиҳатларни ҳар бир ота-она, боғчадаги тарбиячилар аниқ билдишлари, машқларни болаларга ўргатиш усулилари ни тўла эталлашлари лозим бўлади. Бунинг учун эса таълим-тарбия муассасалари, маҳаллалардаги хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа мутасадди ходимларнинг бурч ва вазифаларини аниқ белтилаш, уларнинг ижросини доимий равнида назорат қилиб бориш лозим.

1.2.3. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УЙ ШАРОИТИДАГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРИ.

Барча ўқувчи ёшларни саломатлиги жиҳатидан қўйидаги гурухларга ажратилади:

1. Жисмонан соглом болалар.
2. Жисмонан чиниқкан ва ривожланган болалар.
3. Жисмонан заиф болалар.
4. Хасталикка чалинган болалар.
5. Ногирон болалар.

Бундай гурухлардаги болаларни жисмоний тарбиялаш ва уларни саломатлигини тобора яшилаш йўллари турли-тумандир.

Маълумки барча ўкув юртларида ўкувчи ёшларининг жисмоний тайёргарлик ҳолатларига қараб тиббий гурухларга бўлинади ва уларга тегишли машгулотлар ўтказилиди.

Аксарият кўпчилик болалар «давлат жисмоний тарбия» дастури талаблари, «Алномиши» ва «Барчиной» махсус тестлари мажмуудаги талабларни талаб даражасида бажаришга қодирлар. Шунингдек улар орасида спортнинг у ёки бу тури билан доимий равища спорту тўтараклари ёки махсус спорт мактабларида шуғулланувчилар ҳам оз эмас. қолаверса мустақил равища жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш йўлларини жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийлари ўргатиб боришади.

Юқорида таъкидланган ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда ўкувчиликнинг уй шароитида бажариши лозим бўлган баъзи фаолиятлар ҳақида мулоҳазалар билдирилмоқда.

Жисмоний жиҳатдан заиф, хасаталанган ва ногирон ўкувчикларга тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнлари давом этаётган даврда уларнинг руҳий ҳолатлари, машқларни бажаришга бўлган иштиёқлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олиш зарурдир.

Жисмоний жиҳатдан заиф (кам ҳаракатчан, иштаҳаси йуқ, хафсаласи паст ва ҳ.к.) тушунгчалик асосан бирон касаллик, хасталик ёки тутма туфайли инжизтик ҳолатларни тушуниш мумкин. Бундай болалар ҳар бир оиласида учраши табиийдир. Уларнинг кўпчилиги ўйин, меҳнат, турли ҳаракатларга унчалик қизиқишмайди, эринади ёки бирон жойи оғриши мумкин. Баъзи оиласларда боланинг бирон соҳага (фан, техника, китоб ўқиш ва ҳ.к) ортиқча қизиқиши, берилиб кетиши оқибатида ҳам нозик болалар пайдо бўлади. Улар ҳам турли ҳаракатлар, ўйин машгулотларига эътироэсиз бўлишади. Бундай шароитларда унча мураккаб булмаган ёки махсус машқлар, ўйинлар, турли ҳаракатларни бажаришга болаларни одатлантириш лозим. Бу ҳақда куйидаги намунавий машқларни тавсия этишга тўғри келади:

1. Ҳар куни эрталаб ва бўш вакъларда кўллар, оёқлар ва гавдага доир гимнастика машқларини бажариш. Бунда бўгин ҳаракатлари, мушакларнинг чўзилиши ва тортилиши ҳолатларига кўпроқ эътибор бериш керак бўлади. Баъзи пайтларда то чарчаганча ёки бир оз юлиқунча юриш, югуриш, ўтириб-туриш, нафасни чукур олиш ва чиқариш машқларини кўпроқ бажариш лозим.

2. Ўз тенгқурлари билан ҳовли ёки кўчаларда турли хил сакранш, қулашиб, сакраш, осилиш, тирмашиб чиқиш каби машқларни тақрорлаб туриш.

3. Ўғил болалар күпроқ футбол ўйнаши, кураш машқларини бажариши, түсікәлдердан сакраб ўтиш, тош ёки бошқа нарсаларни узокроққа отиш, иргитиш каби машқларни ким ўзарга бажаришли-ри лозим. Қыз болалар эса арқонда сакраш, құвлашиш, түп ўйнла-ри ва турли хил ҳаракатли ўйнайларни бажаришлири лозим бўлади.

Соғлиқ жиҳатдан хаста болаларни шифокорлар маслаҳатига би-ноан машқ қилдириш ёки маҳсус даволаш марказларида шугул-лантириш керак бўлади.

Ногиронликнинг турлари жуда қўп. Улар туғма ёки бирон сабаб билан юзага келган бўлиши мумкин. Юрек, ўпка, жигар, умуртқа поюоналари билан касалланган болаларга факат шифокорлар тавсияси билангина машқлар бажариш лозим. Кўз, кулок, ошқозон-ичак (гастрит) касаллуклари бўйича эса енгил гимнастика машқларини эрталаб, бўш вақтларда бажаришлири, турли хил ҳаракатли ўйн-лар билан шугулланишилари мумкин. Кўл, оёқларида нуқсони бор (чўлоқ, қули қалта ва ҳ.к.) болалар ўз ҳолатларини ҳисобга олиб, түп ўйнлари, гимнастика машқлари, сайд-саёҳат, осилиш, ирги-тиш машқлари билан шугулланишилари тавсия этилади.

Табиат ва жамиятда нуқсонсиз нарса ва ҳолат кам учрайди. Лекин, саломатлик учун табиатнинг эҳсон этган неъматлари (сув, ҳаво, күёш иссиқлиги нурлари ва ҳ.к.) меҳнат жараёни, турли ўйнлар билан яхшилаш, жисмонан ривожланиши мумкин. Бу ўринда очиқ ҳавода (иссиқ ва совуқ шароитларда) яшаш, меҳнат билан шугулланиш натижаларини баъзи бир кинолар, видеофильмларда намойиш этилаётган лавхалардан кўриш мумкин.

1.2.4. ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛА-РИДА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛARНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Ўқувчи ёшлар деганда коллеж, лицей ва бошқа касб-хўнар ўқув юртларида таълим олувчиларни тушунилади. Олий ўқув юртларида сабоқ олувчи ёшларни талаба деб аташ одатланган. Бу иккى паронадаги таълим масканларида таълим-тарбия ва сабоқ олаётгани ёшлар-нинг жисмоний ривожланиши ва ижтимоий ҳаётдаги воқеиликларга қизиқиншлари, муносабатлари бир-бири билан узвий равишда боғланиб кетган. Шу сабабдан ўқувчи ёшлар ва талабаларинг бўш вақтларида шугулланиши мумкин бўлган жисмоний тарбия маш-улотларини умумий бир йўналишда баён этилмоқда.

Аввалом бор такидлаш керакки, барча турдаги ўрта маҳсус, касб-хўнар ҳамда олий ўқув юртларида жисмоний тарбия давлат

ластури асосида дарс сифатида олиб борилади. Шунингдек, дарслардан ташқари спорт тұғараклари (секциялар) машгүлолтлари, оммавий спорт мусобақалари ҳам ташкил этилади.

Илмий тадқиқотларнинг натижалари, педагогик кузатицлар, ёшшар билан бевосита олиб борилған суҳбатлар, мұлоқотларға қаранды ҳафтада 1-2 маротаба үтказыладиган жисмоний тарбия дарслари ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний ривожланиши ҳамда чиниқишини тұла таъминтай олмайды ва уларда жисмоний тарбия дарслари ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний ривожланиши ҳамда чиниқиши тұла таъминтай олмайды ва уларда жисмоний тарбияға қызықиши етарлы даражада әмас. Шунингдек аксарият күпчилік ёшлар спорт тұғараклари машгүлолтларида шуғулланиши га шароитлари, қолаверса әхтиёжлари йүк деса бўлади. Ўкув юртларида йил давомида кўпи билан мусобақалар 10-15 мартадан ошмайды. Бу ўз навбатида ҳар ойда 1-2 маротаба мусобақа ташкил қилинади, деган холосадир. Аник маълумотларга қараганда спорт мусобақаларида иштирок этувчи ёшлар 25-30 фойиздан ошмайды.

Тиббий кўриклар, махсус жисмоний тарбия синовлари, айниқса ҳарбий чакириқ жараёнларидаги синов-тажрибаларнинг кўрсатишича 50-60 фойиз ёшлар умумий жисмоний тарбия талабларини тұла бажариша олмайды. Бундан шундай холоса келиб чиқадики, ўкувчи ёшлар ва талабаларнинг кўпчилиги жисмоний жиҳатдан ривожланиши ва чиниқишини ўз олдиларига асосий вазифа қилиб кўйишмайды. Шу сабабдан улар энг аввало жисмоний ривожланиши чиниқишининг назарий мазмунлари ва моҳиятларини чукур ўрганишлари ва турли машқларни мустақил равишида амалий бажаришлари шарт бўлади.

Бўш вақт деганда асосан ўкув жараёнларидан кейинги вақтларни тушинилади. Умуман олганда бир кеча-кундуз уч қисмга бўлниши лозим. Яъни уйку-7-8 соат, ўқиши ва уй вазифаларини бажариш 8-10 соат ва ўз иктиёридаги (бўш) вақт эса -5-6 соатни ташкил этиши мумкин. Бўш вақтдаги соатлардан ҳар куни ёки кунаро камида I соатни жисмоний тарбияға ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу тартиб (режим) асосида жисмоний тарбия билан шуғулланиш, унга бир умр одатланиш ҳар бир инсонни жисмондан тетик, бардам ва толиқишини билмайдиган даражага етказиши муқаррардир. Бу ҳаётда синов тажрибаларида ўз ифодасини топшылгигини тушуниш керак бўлади. Бу эса меҳнат қобилиятини опширим, кайфияттини яхшилаш ва узоқ умр куришнинг гаровидир. Ана шунда қаратилган жисмоний тарбиянинг баъзи бир йўна-

лишлари ҳамда уларнинг омиллари билан кўйида танишиш мумкин, яъни:

1. Эрталабки гигиеник гимнастика (бадан тарбия):

а) Юриш, югуриш (200-300 м.), барча бўгинларга (эгилиш, бурилиш, керилиш, айлантириш ва х.к.) машқлар;

б) Ўтириб-туриш, кўл-оёқларни силкитиш, сакраш, куч машқлари (кўллар ва оёқлар учун).

в) Юриш, югуриш, нафас олиш, нафас чиқариш машқлари (чукур ҳолатда);

г) об-ҳавонинг қулай пайтларида совук сувда ювиниш, чўмилиш ёки бадани қиздирис учун ҳўл (нам) сочиқ билан артиниш, ишқалаш.

Машқларнинг турлари ва бажарилиш усуллари жисмоний тарбия дарсларида ўзлаштириб олиш, зарур пайтларда жисмоний тарбия ўқитувчиларидан маслаҳатлар олиш, тегишли адабиётлар, кўлланмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Очиқ ҳавода сайр қилиш, маҳсус чиниқиши машқларини бажариш:

а) Хиёбон, боелар ёки кенг очиқ жойларда 20 - 30 дақиқа сайр (томоша) қилиб юриш, паст - баланд жойлардан сакраб (ҳаклаб) ўтиш. 20 - 25 қадамларда чукур нафас олиш ва нафасни чиқариш, ростлаш;

б) Мосламалар (спорт майдонларида), дараҳтлар ёки маҳсус спорт асбобларида қўлга тортилиш, осилиб тебраниш, ошиб тушиш, қўлларга таяниб юриш, елка, қорин ва гавдага доир машқлар бажариш;

в) Соглиғи заифлар оддий сайр қилиб юриш, кенг қадамлаб қўлларни ҳаракатлантириш, чукур нафас олиш машқларини бажаришлари лозим.

3. Ўйинлар (футбол, волейбол, тенис ва х.к) ва атлетизм билан шугулланиш:

а) Тенгкўрлар, кўшнилар ва ҳоказолар ўртоқлари билан футбол, волейбол, баскетбол, тенис ўйнаш;

б) Турли ҳаракатли ўйинларни такрорлаш;

в) Гантель, тош, гир, пружина, резина лента ва х.к. билан машқ қилиш. Бунда маҳсус қўлланмалар, кўргазмали куроллар, плакатлардан фойдаланиш мақсадга яқин бўлади.

4. Ўз-ўзини назорат қилиш ва текшириш, кузатиш:

а) Ҳар ой бир маротаба тиббий ходимларга кўриниш, ўсиш, оғриқ вазинини холатларини ўтчаш;

б) Ўлчов асбоблари билан бажарган машқларнинг миқдорини ўлчаб, белгилаб бориш, натижалари изжобий бўлса, машқларни ошириб бориц лозим (кўлда тортилиш, ютуриш тезлиги, тош кўтариш ва ҳ.к.).

5. Кураш ва от ўйинлари билан шугулланиси:

а) Шаҳар ёшлари ўзбек кураши, кўл жаиги, тўрон ва шарқона якка курашларнинг элементлари ва ўзларига макул бўлган бошқа мураккаб машқларни ўрганиш, уларни якка тартибда ёки ўртоқлари билан биргаликда бажариш мумкин;

б) Қишлоқ ёшлари кураш турларини бажаришлари мумкин. Шунингдек дала ва яйловларда от, эшакларга мишиш, чоптириши, ўртоқлари билан пойга, тортишиш (кўпкари) ўйнашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Юкорида зикир этилган машқлар ва турли ҳаракатларни бажаришда магнитофон, радио орқали ўзлари ёқигирган куй ва қўшиқларни эшигитиш, мусика садолари остида замк билан машқларни бажаришлари лозим. Айниқса қизлар миљтий рақслар, ритмик пим-пасттика ва бошқа ўйин-ҳаракатларни бажаришда бунга кўпроқ риоя қитиплари зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда ўкувчи ёшлар ва талабалар ўз муҳитшароитларидан келиб чиқсан ҳолда бўш вақларида жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ миљтий ўйинларидан унумли фойдаланишлари зарур. Бу билан улар ўз таналарини (организм) ҳар томонлама чиниқтиришта сабабчи бўлади. Бунда зарур ва маҳсус адабиётлар, ўкув-услубий кулланмалардан самарали фойдаланишлари муҳим аҳамият касб этади.

Софлом авлод деганда фақат жисмонан соғлом ёки ўкувчи-талаба ёшларнинг тушинилмайди, балки аҳолининг бврча қатламлари ҳамда тоифаларида хизмат қилаётган меҳнаткашлар, зиёлилар, кекса авлодларимизни ҳам тушуниш лозим бўлади. Чунки улар ижтимоий-маданий ва турмуш шароитларимизда ҳар томонлама фаол иштирок этишадилар.

Одатда кишиларни вояга етган йигитлик (24-35 ёш), навқироцлик (36-45 ёш), камолотга етишган (45-55 ёш) ва кексалик (56-65 ёш) ҳамда қариллик (66 ёшдан юқори) даврларга ажратиласи. Меҳнат қобилиятига эта бўлган барча кишиларни (60 ёшгача) асосан икки гурухга, яъни ақлий ва жисмоний меҳнат билан шукулланувчиларга бўлишиади. Ўз навбатида улар ҳам бир неча гурухларига бўлинишиади, яъни:

1. Ақдій мәҳнат билан шуғулланувчилар:
 - а) Рассомлар, лойихачилар, илмий ходимлар, бастакорлар, үқитувчилар;
 - б) Идора, мұассаса ходимлари, тарбиячилар, шифокорлар ға ҳ.к.;
2. Жисмоний мәҳнат билан шуғулланувчилар:
 - а) Утириб ва тик туриб мәһнат қылувчилар (гикувчилар, тұкувчилар);
 - б) Уловларни хайдовчилар;
 - в) Құл мәһнати билан шуғулланувчилар;
 - г) Дала мәһнаткашлари, чорвадорлар ға ҳ.к.

Әзтироф этиш керакки, іюкорида қайд этилған гурухлардаги кишиларнинг касб-хунар мәһнатлари түрліша бўлиши туфайли уларни ҳаракатлантирувчи ёки сусайтирувчи холатларга келтириш лозим бўлади. Шу туфайли уларга доир умумий равицида икки йўналишда жисмоний машқларни тавсия этиши лозим бўлади.

Ҳаракатсиз ва кам ҳаракат қылувчи кишилар учун жисмоний машқлар:

Энг аввало такидлаш жоизки, бу тоифадаги кишилар ҳаракат ва унинг саломатликни яхшилаш борасидаги назарий билимлар билан маълум даражада куролланishi ва ҳар кунги ижтимоий турмуш шароитида тегишли вақт ажратишлари лозим бўлади. Бунда маҳсус адабиётларни ўқиш, мутахассислар билан учрашиб туриш, телерадио, газета ва журналлардан мақсалли фойдаланишлар зарур.

Жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида синовдан ўтган ва ҳаётда тажрибаларда қўлланилиб келаётган батьзи бир фаол ҳаракатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритиш мумкин, яъни:

1. Иш шароитига қараб ҳар тонгда гимнастика машқлари, жисмоний мәһнат ва сайд қилиш.
2. Белгиланган вақтда (бўш пайт) ёки мәхнат жараёнида (танаффус) 10-15 дақиқа сайд қилиш, югуриш, гавда ҳаракати, нафас олиш ва бошқа машқларни тақрорлаш.
3. Дам олиш кунларида тенгкур ва сафдошлар билан биргаликда футбол, волейбол, тенис ва бошқа ўйинларда қатнашиш.
4. Яшаш ёки мәхнат жараёнида мавжуд бўлган соғломлаштириш гурухларида шуғулланиш.
5. Қишлоқ шароитларида дам олиш куни саёҳатларини уюштириш (оила аъзолари ёки сафдошлар билан).
6. Саломатлик даражаси ва қизиқишга қараб бирон спорт жамосида (команда) иштирок этиш, кўнгил очили ва чиқиниқиши ўйинларида шуғулланиш бориши.

7. Мустақијаравишида атлетизм, теннис билан машғул бўлиш.

Такидлаш зарурки, жисмоний машқларни танлаш ва уларни бажаришида анатомия, физиология ва психология белгиланган тартиб-қоидаларга эътибор бериш шартдир. Акс ҳолда танада нотўри ҳаракатлар оқибатида оғриқлар, кўнгилсиз ҳодисалар юз берипши мумкин. Айниқса эгилиш, чузилиш, тортилиш, тебраниш, ўтириб-туриб, бўғинларини айлантириш, буриш машқларини уларнинг бажарилиши тезлити, меъёр ҳамда миқдор талаб даражасида бўлмоғи зарур (ортиқча зўрлаш, чираниш ва ҳ.к. зарар келтиради).

Яна бир томони шундаки, овқатланиш, уйқу, дам олаш кун тартибини бузмаслик, айниқса спирт ичимликларини ортиқча истемол килмаслик, тамаки, нос ва бошқа заарли гиёҳларни чакмаслик зарур. Юқорида қайд этилган кўрсатмалар, шартларга тўла риоя қилишганда ҳар бир киши ўз саломатлигини яхшилаши, қасалликларга тез чалинмаслиги, энг муҳим жисмонан баққуват бўлиши, меҳнат қобилиягини ошириши ва узоқ умр кўришга кафолат бўлиши мумкин.

Ота-она соғлиғи юрт бойлиги, фарзандлар учун эса буюк баҳтдир. Фарзандлар соғлиғи ота-оналар учун, буюк келажак учун энг қимматли несьматдир. Бу фаолиятлар эл-юрт тинчлиги, бойлиги учун тутамас ҳазинадир, деса муболага бўлмайди.

1.2.5. ЎРТА ВА КАТТА ЁШДАГИ КИШИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ МАПГУЛОТЛАРИ

Хозирги ўрта (25-40 ёш) ва катта ёшдаги (41-60) меҳнаткаш кишиларниң деярли кўғчилик қисми олий ва ўрта маъсус маъгуомлардир. Улар ёшлик ва талабалик даврларида жисмоний тарбиянинг асосити тушунган ва маълум даражада уларни амалий жиҳатдан эгаллаган, қолаверса қайси бирлари бирон спорт тури билан шуғуллангашликлари аниқ. Аммо йиллар ўтиши билан у ёки бу сабаб билан улар жисмоний тарбия ва спортни тарк этганлар, ҳатто бутунлай ёддан чиқарганлар кўғчиликни ташкил этади дейишига асосслар кўп.

Шифокорларга мурожаат қилишга ҳожат бўлмаган меҳнаткашлар орамизда йўқ эмас. Табиат ато эттан саломатлик, жисмпинг (организм) яхши (нормал) ишлаши ва тугма қобилияtlар натижасида меҳнат қобилияти сусайматан кишилар ҳам кўп учрайди. Шу билан биргаликда тананинг (гавда) баъзи аъзоларида (ошқозон, жигар, юрак, ўпка ва ҳ.к.) хасталиклари бўлсада чидаб ёки

бепарволик билан ҳәёт кечираёттандар күпроқ десак унчалик кялға хато бўлмаса керак.

Асосий мақсадга ўтсак, айтиш лозимки жисмоний меҳнатнинг турлари сон-саноқсиздир, улар орасида тик туриб кун бўйи ишлайдиган соҳалар шаҳар ва кишлопқандарда ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир. Бундай жараёнларда нафакат қўл, гавда, оёқ мушаклари толиқиши, чарчаши пайдо бўлади, балки юрак, асаб толалари ва бошқа аъзолар ҳам ортиқча чарчаши мумкин. Шу туфайли бундай меҳнаткашлар иш жараёнларида ҳар 2-3 соатда 5-10 дақиқалик дам олиш машқларини бажартириш ёки уларнинг мустакил равишда шугулланишларига шароитлар яратиш лозим.

Баъзи кишилар (хайдовчилар, курувчилар, дала меҳнаткашлари, тикувчилар ва ҳ.к.) саломатлиги ва меҳнатда чиниққанлигига ишониб, меҳнат жараёнида дам олишмайди, бўш вактларида эса жисмоний тарбия билан атайлаб (мақсад равишида) шугулланмайдиганлар. Бирон бир касалликка чалиниб, соғлиққа мухтоҷ саналтандагина жисмоний тарбия билан шугулланишга киришадиганлар ҳам мавжуд. Яъни кўпинча юрак хасталигига дуч келганда шифокорларнинг тавсияси билан соф ҳавода юриш, югуриш ва машқлар бажаришга киришадилар. Бундай ҳолатлар ҳамма вакт ҳам фойда бермаслиги мумкин. Шу сабабдан барча кишилар жисмоний машқлар билан шугулланишни ёшлиқдан бошлаб одат килиб олишлари лозимдир.

Кекса ёшдаги кишиларнинг аксарият барчаси намоз ўқишиди. Бунда беш марта таҳорат олиш тананинг тозалигини таъминлайди ва оёқлар, қўллар, бел, бўйин ҳамда ва гавданинг мъълум даражадаги ҳаракатлари туфайли фаол ҳаракатчаликка эришиди. Бу бир томонлама саломатлик йўлида ва тоат-ибодатда энг яхши хусусиятлардан ҳисобланади.

Тан олиш керакки, жисмоний меҳнат ва намоз ўқицидаги ҳаракатлар танадаги мъълум аъзоларнинг ҳаракатчалигини таъминласаларда, уларда жисмоний тетиклик, чиниқиши мақсадига тўла қаратилмайди. Колаверса мушакларнинг толалари, хужайра, тўқималарга етиб борувчи ҳаракатлар, асаб манбаъларига жисмоний таъсир этувчи машқлар ундай ҳаракатларда етарли даражада бўлмайди.

Юқорида қайд этилган мулоҳозаларга таянган ҳолда жисмоний меҳнат билан шугулланувчилар баъзи бир жисмоний машқларни тавсия этиш мақсадга яқинроқ бўлар эди.

1. Эрталабки гимнастика машқларини такрорлаб туришга одатланиш, соф ҳавода сайр қилиш.

2. Мәжнат жараёни ёки уй шароитида ҳар куни 2-3- маротаба 5-10 дақиқалық вақт ажратып фаол ҳаракатлар килиш. Бунда обхавони ҳисобға олиш ҳолда юриш, сакраш (иккى оёқни жуфт қилиб жойда), үтириб туриш, эгипиши, букилиш, керилеш, сильтапиши, тебраниши, айлантириш каби машқлар тақрорланиши лозим.

Об-ҳаво ноқулай пайтларида уйда (айвон) үтириб, ёттан ҳолда оёқ-құлларта, гавда ва қорин бүштігінде доир машқларни бажариш лозим бұлади. Саломатлігінде қараб ёттан ҳолда үнг ва чап томонларға ағдарилиш, думалаш, өзіншінде үтказиш. Имконият даражасыда тоғ олди жойларға чиқиши, бағор ва ёзғи пайтларда совуқ сұнда өткізу, футбол, волейбол, теннис ва бошқа үйинларни бажариш.

3. Дам олиш күнлари оила аъзолари ёки үзиге яқын кишилар билан биргаликта хиёбонлар, күнгіл очиш боллари, хуш манзаралы жойларға саир қилиш, яшни сұхбатлар үтказиш. Имконият даражасыда тоғ олди жойларға чиқиши, бағор ва ёзғи пайтларда совуқ сұнда өткізу, футбол, волейбол, теннис ва бошқа үйинларни бажариш.

4. Истироҳат боллари, маҳалла чойхоналаридан күнгілге яқын кишилар билан дам олишни үюнтириш, шоҳмот, шашка, дамино, билирд, нард каби үйинларда иштирок этиш, мусобақалашыш, күл кучини синаш каби баҳсларда фаол иштирок этиш.

5. Наврұз, Мустақильдік күнни, хосил байрами ва бошқа аньанавий тәдбирлардаги мусобақаларда фаол қатнашиш.

6. Жойлардаги мавжуд бұлған соғломлаштириш гурұхларидан қатнашиб, машқлар бажаришни үрганиш, үнга одатланиш.

7. Телерадио, газета-журналдар ва махсус адабиётлардан жисмоний тарбия, соғломлаштириш тәдбирлары бүйічә мақсадлы фойдаланыш.

8. Оила аъзолари, айниқса үғил-қызлар билан биргаликта турли машқлар ва үйинлар бажариш, саири-саёхатларға чиқиши, саломатлік ва уни янада яхшилаш борасыда сұхбатлар қилиш, баҳслашиш.

Холоса шундан иборатки, мәжнат билан дам олиш машқларини алмастыриб туриш, улардан оқилюна фойдаланыш зарурдир. Бунда жисмоний тарбия назарияси күзде туттан тартиб-қоидаларни үрганиш, яъни машқларни танлай билиш, уларни бажаришнинг кетмакетлигі, мейёрларни билиш, уларға тұла риоя қилишта күни-киш лозим. Энг мұхими эътиборсизлик, дангасалик, лоқайдлык, шақтап қызганиш каби ноўрин хусусиятларға бархам бериліп тұрылады. Жисмоний тарбия саломатлік гарови эканытитини чинакам

хис қилиш ва унга астойдил ўрганиш лозим. Шундагина ҳар бир инсон ўз саломатлигини таъминлаши, фаол меҳнат қилиши, соғлом турмуш кечириши мұқаррардир. Шу боисдан ҳам жисмоний машқларга тұла ишлос билан муносабатда бұлишта түгри келади. Жисмонан заиф, хасталикка қалыптанылар да ногиронлар эса цифокорларга мурожаат қилишлари, соғломлаштырувчи масканлар, марказлар, муассасалардаги маҳсус гурухларда шуғулданышлари лозим бўлади.

Яна шуни ҳам эслатиш лозимки, меҳнат ва бошқа фаолиятлардан чарчаб-хориб келган кишилар уй шароитида үқалаш (массаж) машқларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Массажлар хақида кейинги бобда баён этилади.

1.2.6. ЁЛГИЗ ҲОЛДА СОҒЛОМЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Тиббиёт ва жисмоний тарбия назарияси фанларининг тажрибалари асосида шифохоналар, дам олиш масканлари, даволаш муассасалари, спорт иншоатлари, соғломлаштириш марказлари ҳамда шахсий даволаш жойларида соғломлаштырувчи турли хил гурухлар фаолият курсатмоқда. Уларнинг таркибида айниқса, соғломлаштырувчи гурухлар, атлетизм (тренажёрларда шуғулланувчилар), «Алпомиши» ва «Барчиной» маҳсус тестларига тайёргарлик, сувда сузиш, үқалаш (массаж), умумривожланиш (турли хил машқлар, спорт турлари мажмуди) ва бошқа мавжуддир. Уларнинг мазмунлари, шакллари, бажарилыш усуллари ва саломатлик учун моҳиятлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маҳсус ишлаб чиқариш дастурлари асосида олиб борилади.

Шуни такидлаш лозимки, бундай гурухларга ҳамма ҳам бориш ва мақсаддатидек шуғулданыш имкониятига эга бўлмасликлари мумкин. Шу сабабдан якка (ёлгиз) тартибда уй, ҳовли, хиёбон, ўйин майдонларида машқларни бажариб ўз саломатликларини саклаш ҳамда яхшилаш имкониятлари бўлади.

Бунинг учун ҳар бир ўқувчи талаба, ёш ишчи ва меҳнаткаш, шунингдек ўз соғлиғи учун қайғурадиган катта-кичик фуқаролар қўйидагиларни ўзлаштириб олишлари ва уларга тўла амал қилишлари керак, яъни:

1. Шифокорлар хузурида бўлиш ва ўз холатларини билиш.
2. Жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт турлари бўйича мурраббийлар ва мугахассис олимлар билан астойдил алоқада бўлиш.

3. Фаслларга қараб спорт кийимларини ҳарид қилиш ва уларни фақат машғулотлардагиша кийиш, фойдаланиш.

4. Турли шароитларга мослашган ва саломатликка қаратилган маҳсус машқлар мажмuinи билиб олиш, уларни жамлаб бориш.

5. Машқларни биргаликда бажариш учун ўзларига макул булган кишиларни тўплаш.

6. Машқларни бажариш жараёнида эшитиш учун ёқимли куйлар, кўшиклардан радио, магнитафонлар орқали фойдаланиш, видеотасвирларни кўллаш.

7. Машғулотлардан кейин яхшилаб ювиниш, чўмилпига одатланиш ва ҳ.к.

Ёлғиз (индивидуал) ҳолда машқларни бажаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Кузатишлар, савол-жавобларини натижаларига қараганда ёлғиз ҳолда машқ бажаришнинг баъзи бир афзаликлари бор, яъни:

1. Ўкувчи ёнилар ва талабаларниң мулоҳазалари:

- билган ва макул бўлган машқларни бажариш қизиқарли ва уларнинг гавда ривожланишига таъсирини ўрганиши қулайроқ бўлади;

- кишиларнинг кузатишлари, сиз танбехларсиз ҳамда эркин равишда машқ бажариш фойдалидир;

- ёлғиз машқ бажарганда ўз кучи ва имкониятларини сезиш, синаш имкониятлари бўлади.

2. Ўрта ва катта ёшдаги кишиларнинг мулоҳазалари:

- якка ҳолда машқ бажариш учун турли хил машқларни яхши билишни талаб этилади;

- гавда ҳаракати ва саломатликнинг эҳтиёжларига қараб машқларни танлаш имконияти бўлади;

- мутахасислар (ўқитувчи, мураббий, ташкилотчи-услубчи ва ҳ.к.) томонидан мақсадларни бажаришни даъват этишдаги ҳолатлар шахсий қизиқиш ёки бажариш қобилияти, истаги ва ҳ.к. ни тўла хисобга олинмайди;

- машқлар ва турли ҳаракатларни бажариш орқали ҳар ким ўз кучи, имконияти ва қобилиягини баҳолашга эга бўлади.

3. Жисмоний тарбия мутахасисларининг мулоҳазалари:

- ҳар бир инсон энг аввало ўзининг гавда тузилиши ва барча аъзоларнинг ҳаракат фаолиятларини назарий жиҳатдан билиши лозим;

- жисмоний ҳолат, саломатлик, қизиқиш ва истаклар асосида жисмоний машқлар, ўйинлар ҳамда спорт элементларни чукур ўрганиш, уларнинг бажарилиши йўлларини амалий жиҳатдан билиш лозим;

- машқларни бажариш жараёнида спорт буомлари, жиҳозлари, кийимлар ва машқларни бажариш жойларни уз истаги бўйича танлаш ва ҳ.к.

4. Тиббий ходимларнинг мулоҳазалари.

- жисмоний машқлар, амалий ҳаракатларни бажариш учун инсонда деярлик барча аъзолар, айниқса юрак, ўтка, ички аъзолар ҳамда буғинлар талаб даражасида бўлиши лозим;

- жисмоний машқлар ва кучли амалий ҳаракатлар юрак ва гавдадаги қон айланиш йўлини кескин ўзгартиради. Шу сабабдан доимий равишда қон томирларининг уриши, нафас олиш тезлиги ва асабларни назорат қилиб туриш керак бўлади. Бу йилларни тиббий ходимлардан пухта ўрганиш шартдир;

- ёлғиз равишда турли хил машқларни бажаришда тиббий билимлардан хабардор бўлиши, руҳий жихатдан тетик ва чидамли бўлиш хаётий заруриятдир.

Хулоса шундан иборатки, мустақил равишда ёлғиз ҳолатда машқлар ва ўйинларни бажариш учун жисмоний тарбия таълимидан яхши хабардор бўлиш маъкуллар.

1.2.7.ХАСТАЛИКНИ ЕНГИШ - САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ АМАЛЛАРИ ҲАҚИДА

Ривоятлар, илмий меросларнинг исботлашича хасталантган кишиларни даволаш ва уларнинг фаол ҳаракатларини қайта тиклашда турли хил жисмоний машқлардан (уқалаш, сайд саёҳат, пиёда юриш, юқ кўтариш ва ҳ.к.) кенг фойдаланилган. Шу асосда ҳозирги давр шикорлари ҳам касалпикларнинг турлари, уларнинг ҳолатларига қараб, ҳар хил машқларни тавсия этишади. Бу жараёнлар кенг тармоқли ва кўп қиррали соҳалардир. Жисмоний тарбия ва спорт мутахасисликлари бундай тарбия йўлларини билишлари лозимдир. Айниқса жисмоний тарбия соҳасидаги олий ва ўрга маҳсус ўқув юртларида ўқувчи ёшлар ва талабаларга назарий билимлар, амалий малакалар беришда кўйидаги жихатларни сингдириш мақсадга мувофиқдир.

1. Кам ҳаракатчанликда машқларнинг турлари, уларни бажариш усуслари ва мейёрлари.

2. Хасталантган (кам кувватли бирон аъзонинг касаллиги ва ҳ.к.) кишилар учун машқлар, ўйинларнинг мазмуни ва бажарилиш усуслари.

3. Даволаш муассасаларининг иш фаолиятлари ва эришилган ижобий тажрибалар билан куролланиши.

4. Даволаш жисмоний маданияти, шифокорлар назорати, гигиена ва бошқа назарий фанларни юқори савияда ўзлаштириш, ўкув амалиётлари жараёнида уларни кўллаш тажрибаларини ўтказиш.

5. Касаллик (хасталик)нинг олдини олиш ва уларни амалий жиҳатдан бажариш йўлларини талабаларга узлуксиз равилида ўргатиб бориш ва ҳ.к.

Шу йўлда аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт, айниқса ҳалқаро спорт ҳаракат ҳамда олимпия ғояларини кенг ёйиш мухим аҳамиятта этадир.

Республика аҳолиси, айниқса ўкувчи ва ишчи ёшлар орасида «соғлом авлод учун» мақсадли мажмуйи дастур ҳамда «Саломатлик» мажмую талаблари асосида Олимпия ўйинлари ҳаракати ғояларини тарбибот қилиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. Ана шу муаммоларни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида кўйидаги вазифаларни ўз олдимишга қўйдик:

1. Ўкувчи ва ишчи ёшларнинг мустақиллик шароитидан келиб чиқкан ҳолда жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ миллий ўйинларига иштиёқини ўрганиш.

2. Узбекистон Миллий Олимпия ҳаракати ғояларини оммага сингдириш йўлларини излаш.

3. Оммавий согломлаштириш спорт тадбирларининг мазмунида Олимпия ўйинлари ғояларини акс этишини илмий-назарий жиҳатдан таҳдил қилиш ва амалий таклифларни тавсия этиш.

Олимпия ўйинлари ва унинг ғоялари хақида кўплаб китоблар, илмий оммабоп рисолалар ёзилган. Телевидение, радио, оммавий ахборот воситаларининг сахифаларида Олимпия ўйинлари билан боғлиқ, айниқса Сиднейда (Австралия, 2000) ўтказилган XXVII олимпия ўйинларига ва бошқа мусобакаларга тайёргарлик бўйича ахборот янгиликлари узлуксиз ёритиб борилиши қувончли воқеаликдир.

Ўзбекистон спортчилари мустақил равишида Олимпия ўйинларига иккинчи бор қатнашдилар ва республикамиз шон-шуҳрати ҳамда спорт шарафини намоён қиласдилар. Шу сабабдан спортчиларимизнинг ҳар томонлама тайёргарликлари барчани зўр қизиқиши билан жалб этмоқда. Бу эса ўз навбатида Олимпия ўйинлари ғояларини янада чукурроқ ўрганиш, унинг тарбиятый, маданий, ижтиёмий-сиёсий хусусиятларини аҳолига сингдириб боришни давр тақозо этади.

Ўзбекистон республикаси Президенти И.А. Каримов ўзига Ҳалқаро Олимпия Кўмитасининг (ХОК) «Олтин Орден»ни Лозанна шаҳрида топширишга бағишланган тантанали маросимда: «Мен

спортуни севмайдиган кишини топиш қийин, десам бироп бир янгиллик кашф эттап бўлмайман. Чунки спорт замирида ҳар бир киши ўзининг эзгу орзу-умидларини амалга ошириш учун улкан имкониятлар мавжуд», - деган эди. Шунинг-дек Президентимиз Атлантага (АҚШ, 1996) жўнаётган олимпиячиларимиз билан бўлган учрашууда яна шундай деган эди: «...қандай іўзал ва бетакрор Ватан, қандай мард ва танти халқ, эл-юрг номидан беллашув майдонига чиқаётганимизни ҳеч қачон, ҳар қандай пайтда унугмасангиз бўлди».

Бу икки улугвор мулоҳазали баҳода спортният асл моҳиятлари ва Ватанга фидойилик хусусиятлари билан бир қаторда Олимпия ўйинлари гояларининг салмоқли салоҳияти ҳам ўз исфодасиги топган.

ХОҚ нинг асосчиси Пьер де Кубертенning «Спортта қасида» сида Олимпия ўйинларининг буюк гоялари мазмунлари мужас-самлашган. Айниқса унинг «Спорт – сен оромижонсан», «Спорт – сўнмас машъалсан», «Спорт – адолатсан», «Спорт – раҳнамосан», «Спорт – ижодкорсан», «Спорт - тараққиётсан», «Спорт – типчиксан!», деган хитоблари жаҳон халқлари спортчиларини бирлиқ, дўстлик ва спортдаги юқори кўрсаткичларга давлат этиб келади. Бу гоялар жаҳондаги барча спортчиларнинг улугвор ва мўътабар шиорига айланаб бормоқда.

«Ситунс» (тезрок), «Альтунс» (баландрок), «Фартунс» (кучлироқ) каби шиорлар ҳар бир Олимпия ўйинларининг нишонларига тамға ва Олимпия ўйинларига қатишувчи давлатлар, уларният спортчиларини янги марра сари чорлаща ёрқин кўзгу ролини ўйнамоқда.

Республика Президенти И.А. Каримовга ХОҚ «Олтин Ордени»-нинг топширилиши юртимизда Миллий Олимпия ҳаракатигинг гояларини янада олдинга сурди. Натижада «Олимпия шон-шухрати музейи» ташкил этилди (1996). Халқаро қолипдаги «Юпусобод» теннис корди мажмуи, «Жар» соғломлаштириш спорт мажмуи курилди. Вилоятларнинг марказларида йирик теннис корди, сув хавозлари, согломлаштириш спорт марказлари қад кўнгарди. Туман марказлари ва йирик кўргонларда стадионлар, футбол ва турли ўйин майдонлари, отчопарлар, шунингдек гимнастика, кураш, бокс, теннис ва бошқа спорт турлари уч турли хил спорт иштоотлари, заллари ва ноанъанавий мосламалар курилмоқда. Хуллас юртимизда катта спорт ва оммавий соғломлаштируви спорт тадбирларини ташкил қилишта шароитлар мухайёдир.

Эътироф этиш лозимки, футбол, кураш, теннис, сингил атлетика, бокс ва спорттиниг бошқа турлари бўйича Республика чем-

чионатлари, биринчиликлар, турли хил турнирлар, қолаверса мактаб ўкувчилари, ўрта маҳсус ва олий ўкув юргулари талабалари ҳамда меҳнаткашлар ва аҳоли турар жойларидағи спартакиадалар оммавийлик сари қадам кўймоқда.

1991 йил апрелдан буён Форищда ўтказиб келинаётган «Халқ миллий ўйинлари Республика мусобақалари» юргимизда кенг кулоч ёйди. 1998 й. кузидаги «Алпомиши» достони яратилганига 1000 йил тўлиши муносабати билан Сурхондарёда «Алпомиши ўйинлари фестивали»нинг ўтказилиши миллий қадриятларни юқори даражага кўтариш ва халқ миллий ўйинларининг қадр-қимматини янада оширишда катта қадам бўлди. Ҳар йили «Навруз», Мустақиллик байрами, хосил байрами ва турли хил касбий байрамларда барча спорт турлари каби кўпкари (улок), пойга, дорбоз, тош кўтариш, арқон тортишиш, билак кучини синаш, турон, камондан ўқ отиш ўйинлари ҳамда «Минди», «Бўрон», «Тўққиз тоҳ», каби ўзбек халқ ҳаракатли ўйинлари ҳам кенг қўлланитмоқда. Бундай тадбирларда миллионлаб ёшу-қарилар қатнашиб куч синашмоқдалар. Бунинг боиси шундаки, Республика Президенти ва ҳукумати томонидан жисмоний тарбия ва спортта катта эътибор берилмоқда.

Республика аҳолисининг жисмонан баркамол топиши, уларни мунтазам равищда такомиллаштириш, моҳир спортчиларни тарбиялаб етиштириш, уларнинг халқаро спорт майдонларида Республика изаш шарафини муносиб равищда улуғлашга қодир қилиб тарбиялашда қабул қилинаётган турли қонунлар ва қарорларнинг амалий таъсири ортиб бормоқда.

Ўз ўзидан маълумки, бу тадбирлар замирида Олимпия ўйинларининг бағоят умуминсоний ғояларини ахолига сингдириш вазифалари таркиб топгандир.

Олимпия ўйинларининг моҳиятига қаратилган Республика иммий-амалий анжуманларининг (1994, 1996, 1999) ўтказилиши, Республика Олимпия резервлари билим юртини лицейга айлантирилиши, Республика Миллий Олимпия Академиясининг иш фаoliятлари, «Фан спортта» журналининг таъсис этилиши ва унинг нашр этилиши (1998) бунга ёрқин далиллар.

Ўрни келганда таъкидлаш зарурки, юргимизда Олимпия ўйинлари, айниқса Миллий Олимпия ҳаракати ғояларини кенг тарғибот қилишда профессорлар А.К.Хамроқулов (Миллий Олимпия Академиясининг Президенти), Т.Т.Юнусов (ЎзДЖТИ), А.К.Акрамов (Олимпия шон-шухрати музейининг собиқ директори) кабиларнинг улкан ҳиссалари бор.

Юқорида қайд этилган тадбирлар ва ижобий натижалар Республика Миллий Олимпия ҳаракатининг ilk дебочасидир. Яъни амалга оширилиши зарур бўлган муаммолар ҳали кўпдир. Бу муаммоларнинг баъзи ечимларини хал қилиш учун куйидагиларни тавсия этиш мумкин:

1. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Олий спорт маҳоратини ошириш ва Олимпия резервлари спорт мактабларида асосан спорт маҳорати учун фаолият кўрсатмоқда. Уларга ХОҚ ва Республика Миллий Олимпия Кўмитаси иш фаолиятлари ҳақида тўла маълумотлар бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

2. Барча турдаги ўкув юртларнинг «Жисмоний тарбия» дастурларида Республика Миллий Олимпия ҳаракати гоялари билан боғлиқ бўлган мавзулар киритиш.

3. Марказий шаҳарлар, туман ва қўргонлардаги спорт иншоотларида ўтказилаёттан спорт мусобақалари, согломлаштирувчи гурӯҳлар машғулотлари дастурида Олимпия ҳаракати гоялари тўла мазмун топмоғи зарур.

Бизнинг бу мулоҳазаларимиз ва хулосаларимиз ахоли ўргасида Олимпия гояларини кенг тарғибот қилишда озгина бўлсада ўз улушини қўшиши мумкин.

Хозирги кунда жисмоний маданият ва спорт соҳасида таълим оловчи талабаларнинг ўкув жараёнлари яхши ўзлаштириш, спорт ташкилотлари, ўкув юртларида жисмоний маданият саёҳат ва согломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш йўлларини ўрганиш, ўкув амалиётлар жараённида назарий билим ва амилий малакаларни тукур эгаллаш муаммолари мавжуддир. Илмий тадқиқотлар ўтказиш фан, техника, иқтисод ва умуммаданиятда жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўкув юрелар, ишлаб чиқариш корхоналари, давлат ва жамоа хўжаликлари, турли муассасалар, қурилиш, тиҷорат, савдо ва бошқа жуда кўп ташкилотларда аҳолини жисмоний тарбия ва спортга жалб этишида турли-туман иш услублари вужудга келмоқда. Спорт ташкилотлари, спорт клублари ва улар билан алоқадор жамоаларда ташкилий, хўжалик, молиявий, маданий фаолиятлар ва бошқа соҳаларда ўз ўзини бошқариш, моддий таъминлаш йўллари ривож топмоқда. Шунга қарамасдан республикада, айниқса қишлоқ шароитларида аҳолининг аксарият кўпчилик қисми жисмоний тарбия, спорт ва саёҳат ишларига тўла жалб қилинмаган. Ўкувчи ёшлиарнинг дарсдан ташқари оммавий согломлаштириш ва спорт ишлари ҳамда ахоли тураг жойлари, айниқса маҳаллалар, қишлокларда халқ миллий ўйинлари, соглом-

лашгириш тадбирини жуда сүсткашлик билан ташкил қилинмоқда. Шу сабабли бу соҳаларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва асослаб бериш мавзунинг долзарблизигини билдиради.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳамда республика олий ўкув юртларидағи 16 жисмоний тарбия култиётлари ўкув режалерида талабаларни ихтисосликка тайёрлашда бир катор фанлар сафида «Жисмоний маданият ва спортни бошқариш», «Саёҳат» (Туризм) фанлари ва ўкув амалиёти борки, булар талабаларнинг қайси спорт тури билан шугулланишидан қатъий назар, уларга бошқарув, ташкилотчи ва жисмоний маданият ҳаракатининг барча жабжаларида фаоллик билан раҳборлик қилиш йўлларини ўргатади.

Талабалар бу фаолиятларни ўзларида шакиллантириш, уйгунлаптириш ва такомиллаштириш жараёнларида умуминсоний маданияти, барқарор руҳият холларини хам эгаллайдилар. Жисмоний тарбия олий ўкув юртлари ихтисосли ходимлар тайёрлашнинг кенг тармоқли тарбиявий, амалий фаолиятларига кўпроқ эътибор беради. Бу олий ўкув юртларининг ўзига хос хусусиятидир. Чунки, аксари ят кўпчиллик талабалаар ўз спорт маҳоратларини оширишлари, спорт талабларини (разряд, ҳакамлик ва б.к.) бажаришлари шартdir.

Хозирги янгиланиб бориш даври, республикадаги мустақилликнинг барқарорлашиши, ўзбекистонлик спортчиларининг жаҳон мусобақаларига чиқишлари, ўкувчи ҳамда ишчи ёштарни жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама баркамол килиб тарбиялаш, уларни меҳнат ва мудофаа ишларига тўла лаёқатли қилиб тайёрлаш ва бу билан боғлиқ бўлган барча фаолиятларда ташкилотчилик, бошқарувчилик маҳоратларини тарбиялаш хозирги Ўзбекистон шароитида энг долзарб муаммолардан бири деб хисобланади.

Сунги пайтларда Ўзбекистонда 2000 дан ортиқ иктидорли талабаларни Туркия, Америка, Араб мамлакатларига ўқишига юборилди. Улар давлатни идора қилиш, молия, ҳисоб-китоб, техника, тил ва бошқа соҳалар бўйича энг илғор билим ва тажрибаларни ўрганиб келишади.

Жисмоний маданият ва спорт соҳасида, айниқса футбол, кураш, гимнастика каби турлардан маҳоратли спортчилар чет мамлакатларга бориб, шартнома асосида ишлайди, билим олишади ва уларнинг жамоаларида ўйнашади. Бу билан улар жаҳон жисмоний маданиятининг илғор тажриба ва иш усуслари ҳамда бошқариш фаолиятлари билан танишиб қайтадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов мустақилликка эришиш ва унинг истиқболида аҳолии саломатлигининг

ўта қимматлилиги ва унга эришиш йўлларини катта кўтаринки рух билан изхор қилиб берган. Бунда «Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан мустаҳкам саломатлик тиласиган... Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвоңлар ва ботирларга бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳама жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда... Ўзининг саломатлиги ҳакида шахсан ғамхўрлик қилиб бориши маданияти ёшлиқда, мактаб, маҳалла, соёлиқни саклаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак,¹ деб кўрсатгандир.

Ўзбек халқининг миллий жисмоний маданияти қадимги аждодларимиз тарихи билан узвий боғланиб кетади. Бунинг гувоҳи сифатида «Авесто», «Алпомиши», «Кунтуғмуш», «Кирқ қиз», «Гўрўғли» туркумидаги барча достонларда паҳлавонларнинг жасорати устунлик билан мадҳ этилганлигидан билиш мумкин. Отда пойга, наиза улоқтириш, кураш, қиличбоэлик, камондан ўқ отиш, мерғанлик қилиш каби жисмоний сифатлар қаҳрамонлар сиймоси орқали бутун халқнинг турмуш маданияти акс эттирилган. Буок саркарда Амир Темурнинг фаолиятида ҳар бир жисмоний тайёртарлик анча устивор тадбирлардан бири бўлганлиги турли манбалардан маълум. Бу фаолиятлар, кўлланилган жисмоний машқлар авлоддан авлодга ўтиб, ўзининг мазмуни, шакли ва бажарилиш услубларини бойигиб, ҳозирги даврда улар жаҳон халқларининг севимли машғулотларига ҳамда маҳорат учун курашувчи ёшларнинг спортига айланган.

Ўзбекистоннинг шон-шухрати жаҳонга таратган жаҳон ва халқаро Олимпия ўйинлари совриндорлари Каримов Эркин (огир атлетика), Курбонов Собир, Ходиев Сайфиддин, Фадзаев Арслон, Хадарцев Маҳарбек, Файзиев Бобомурод (курашчилар), Рўзиев Собир (қиличбоэлик), Рихсиев魯фат (бокс), Исмоилов Мамажон (от спорти), Саъди Эльвира (гимнастика), «Андисжон» чимхоккей жамоаси қизлари.

Мустақиллик йиллари эса Л.Черязова, И.Тўлаганова, Ю.Ҳамроукова, М.Абдуллаев, Р.Чагаев, Т.Муҳаммадиев, А.Тангриев ва жуда кўп споротчилар юзага келди. Улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ўкувчи ёшларни жисмоний камолот сари чорлаш, уларни тарбиялаш, етук мутахассис ходимларни етиштириб чиқаришда илмий асосланган тажрибаларга эгамиз. Бу соҳаларга катта

¹ И.А.Каримов, Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўлти, Т., «Ўзбекистон», 1992, 69-70 бетлар.

ҳисса кўшган таниқли олимлар анчагина бор. Улардан Республика-да хизмат кўрсатган Фан арбоби, профессор, медицина фанлари доктори Рихсиева О.А., педагогика фанлари доктори, профессорлар Атоев А.Қ. (Бухоро), Хонкелдиев Ш.Х. (Фарғона), Керимов Ф.А., Т.С.Усмонхўжаева, Айрапетянц Л.Р, профессор Т.Т.Юнусов (Тошкент), Ж.Э.Эшнизоров, Ҳ.Т.Рофиев (Самарқанд), Ж.Т. Тошпӯлатов (Термез), шунингдек ёш ва иктидорли олимлардан Ҳолмуҳамедов Р.Д., Акрамов Ж.А., Г.Б.Абдурасурова, Т.Расурова (Тошкент) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Жисмоний тарбия таълимининг асосий мазмунин ва шакиллари азолига, айниқса ўкувчи ёшларга сингдиришда, мутахассис ходимларни бошқарувчилик фаолиятлари билан қуроллаништиришда дарсликлар, ўкув ва услубий қўлланмалар, илмий тадқиқот натижалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хозирги кунда ўкув жараёнларини такомиллаштириш (Саломов Р.С.), Физиология (Ҳамроқулов А.К.), жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари (Нурмуҳамедов К.И.), жисмоний тарбия ва спортни бошқариш (Юнусов Т.Т., Ярашев К.Д.) каби йирик монографиялар, ўкув қўлланмалар ихтисосли ходимларни тайёрлашга катта хизмат вазифасини ўгмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, талабаларни ихтисослик бўйича тайёрлашда фақат ўқитувчи, мураббий бўлишта кўпроқ эътибор берилмоқда. Спорт ташкилотлари, куйи жамоалар, маҳаллалар ва ўкувчиларнинг дарсдан ташкарни саёҳат, оммавий согломлаштириш ишларини ташкил қилишга доир фаолиятлар иккинчи даражали иш ўрнида колмоқда. Бу фаолиятларни уюштириш, унга раҳбарлик қилиш, ташкилотчилик қобилиятларини такомиллаштиришга доир маҳсус адабиётлар, тадқиқотлар кам учрайди. Шунга карамасдан куйи спорт ташкилотлари, жамоаларда бундай маҳсус ва мурракаб муаммоларни ечиш, спорт ташкилотлари фаолиятларини кутариш, мутахассис ходимларнинг ижодкорлик, ташаббускорлик ҳамда ташкилотчилик ишларини янада жонлантиришга доир баъзи бир тадбирларгина амалга оширилмоқда.

Бу фаолиятларни чуқур илмий тадқиқот килиш ва бўлажак мутахассис ходимларни бошқарувчилик қобилиятларини ўстириш ҳар бир олий ўкув юртининг муҳим бурчи бўлиши билан биргаликда, айнан долзарб муаммо бўлиб колмоқда.

Ўзбекистон шароитида жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги ихтисосли ходимларнинг бошқарувчилик фаолиятларини такомиллаштиришда куйидагича мақсадлар қўйилганди:

1. Ўқув жараёнида ихтисослик ва мутахассисликка доир фанларнинг ўқигилиши ва талабаларнинг ўзлаштириши яхшилаш.
2. Талабаларнинг умумий маданий ва ижтимоий-гоявий тайёртарликларини тадқиқ қилиш.
3. Талабаларнинг жисмоний маданият ва спортта бўлган этикодлари, ўз ихтисосликларини эгаллашдаги амалий фаолиятларини таҳлил қилиш.
4. Спорт ташкилотларида хизмат қилаётган раҳбар ҳодимларнинг иш фаолиятлари билан таниппиш ва илгор тажрибаларни талабаларга сингдириш.

1.2.8. ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИ ҲАҚИДА.

Республикада хотин-қизлар жисмоний тарбияси, айникса маҳаллий миллат хотин-қизларини спортга жалб этишда мураккаб муаммолар мавжуд.

Ўзбекистоннинг мустақилитини мустаҳкамлаш, унинг истиқболини ривожлантиришда олиб борилаётган барча сиёсий, ижтимоий, ихтисодий ва маданий тадбирлар муайян мақсадга қаратилганнадир. Бунда аҳолининг тинчлигини саклаш, моддий ва маънавий бойлигини тобора ошириш, уларнинг соғлигини яхшилаш, келажак авлодлар учун яхши шароитлар яратиш энг муҳим муаммо хисобланади. Бу масалаларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, илгор тажрибаларни ҳаётга сингдириш асосий мақсад ва туб вазифаларни ташкил этади. Бунда қўйидагиларга эътибор беришлири лозим:

1. Республика Президентининг «Софлом авлод учун» ордени ҳақидаги фармонининг моҳиятини ўрганиш ва уни тарбибот қилиш.

2. Маҳаллий миллат хотин-қизларининг жисмоний тарбия ва спортта бўлган эътиқод ҳамда қизиқишини ўрганиш.

Тадқиқот маълумотларига кўра Республика миқёсида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланувчи маҳаллий миллат қизлари умумий шугулланувчи хотин-қизларнинг ўндан бирини ҳам ташкил этмайди. Хотин-қизлардан жисмоний тарбия соҳасида маълумотга эга бўлиб, фаол ишлаёттанларнинг сони 200дан ошмайди. Кейинги йилларда ўкув юртларида жисмоний тарбия дарсларида қизларнинг шугулланиши спорт мусобақаларида қатнашиши кескин камайди.

1993 йил 4 марта Республика Президенти фармони билан «Софлом авлод учун» ордени таъсис этилди.¹ Бу орден ҳақидаги Низомда кўрсатилишича оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ин-

1. «Туркестон» газетаси, 1993 йил 6 март.

сон экологиясини яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни тарбиялашдаги хизматлари учун фуқаролар мукофотланади. Бунда инсонни яратиш, уни тарбиялаш, вояга етказиш, меҳнат қилиш, яшаш ва мудофаа ишларига уларни яроқли, жисмонан камол топган авлодни тайёрлашдек буюк ва муқаддас гоялар мұжассамлашғандыр.

Табиат ва жамият тараққиёти қонуңларида инсонни тарбиялаш, уни жисмонан етук қилиб етиштиришда оила, мактаб, ташқы мұхит ва бошқа доиралар асосида маскан ҳамда омил бўлиб хисобланади. Буларнинг ичида эса энг асосий оналиқдир.

Она булиш буюк максад ва жасоратдир. Бунга эришиш учун бўлажак оналар аввало соғлом бўлиши ва таълим-тарбия жараёнлари билан тула қуролланган бўлиши лозим. Шуни эътироф этиш керакки, расмий манбаълар, оммавий ахборот воситаларининг маълум қилинчча кейинги пайтларда экологик бузилишиар, камҳаракатчанлик, таълим-тарбиянинг сүслеги, овқатланиш, дам олиш тартибларнинг нотўғрилиги ва бошқа бир қатор сабабларга кўра туғиляётган болалар орасида табиий оқизлар, ногиронлар кўпаймоқда. Шунингдек болаларнинг кўпчилитиги ёшлигиданоқ тез-тез шамоллаши, ўта нозиклик ҳолатлари учрайди. Буларнинг асосий сабаблари оналарнинг камкувватлiği, касалмандлиги, объектив-субъектив сабабларга кўра турмуш маданиятининг паст даражада эканлитидир. Хуллас маҳаллий ёш хотин-қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом бўлиш йўллари ва омиллари билан уларни таъминлаш, халқимизнинг, қолаверса мустақил давлатимизнинг бурчидир.

Ўтмиш аждод-авлодларимиз тарихий, маданий ва маънавий катта бойлиқ қолдирган. Ойбарчиндек пахлавон, Тўмарисдек жанговор аёлтар ўтган бу юртда. Келажак авлодимиз Узбекистоннинг буюк давлат эканлитини жаҳонга таранишум этишлари керак. Бунинг учун эса соғлом фарзандлар туғулиши, уларнинг жисмоний камолотига ижобий таъсир кўрсатувчи соғлом оналар керак бўлади.

Ҳәтий тажрибалар шуни кўрсатадики, аёлларнинг аксарият кўпчилик қисми фақат яхши кийиниш, гўзал бўлишга иштиёқдир. Бу йўлда улар баъзан кам овқат ейиш, иқтисод қилиш, тинмай меҳнат қилинга ҳам тайёрдирлар. Лекин уларнинг кўпчилитиги жисмонан заифдир. Бирон жойидан шикоят қилмаган аёллар деярли учрамайди. Соғлом бўлиш, тетикликни таъминлаш учун жисмоний Машқларни бажаришни тавсия этилганда улар эътибор ҳам беришмайди. Баъзи бир сужбатлар, расмий савол-жавобларда (анкета) ёш аёллар ва қизлар ҳовли супуриш, уй ишлари, даладаги

мехнатлар ва бошқа ҳаракатларни «жисмоний тарбия-ку», деб қатъ-ий хуносага келадилар. Бу ўринда Республика радиоси ўкувчи қизларнинг саломатлити хақида «Аланга» дастуридаги маълумотлари, панд-насихатлари эътиборга лойикдир. Яъни бунда меҳнат ва жисмоний тарбиянинг фарқларини тушунтириб бормокда.

Мутахассислар ва олимларнинг тажрибасига кўра, жисмоний машқлар инсоннинг барча бўгинлари, сукк-мушаклари ҳаракатини таъминлайди. Маълумки бўгинларнинг доимо ҳаракатда бўлиши зарур. Утириб ишлаганлар, энгашиб ҳовли супурғанлар ёки меҳнат қилганларнинг умуртқа потоналари (бўгинлар) эгилади, уларнинг оралиқлари очилади. Бу холатлар узоқ вақт па тез-тез тақрорланса умуртқа оралиқларидағи төғай моддалари, мушаклар ўсиб, бушликларни тўлдиради. Оқибатда эса гавда ҳолати ўзгариб, энгашиб, қийшайиб, хатто оғриқлари пайдо бўлиши мумкин. Кам ҳаракатлик билан меҳнат қилган кишиларда нафас олиш пасаяди, қон томирларининг уриш даражаси сусаяди. Натижада одам танасида салбий ўзгаришлар юз беради, яъни овқатни хазм қилиш, модда алмашиш жараёнларида кескин ўзгаришлар юз бериши аниқ.

Мутахассис олимлар Қозиева Р.А., Собирова О. ва бошқаларнинг этироф этишича хотин-қизларнинг жисмоний машқлар, спорт ва ҳаракатли ўйинлар билан шуғуланишига шароитлар яратиб бериш зарур. Меҳнат жараёнлари ва уй юмушлари билан банд бўлган Хотин-қизларнинг фаолиятлари, руҳий ва ижтимоий ҳусусиятларига қараб камҳаракатчаликдан келиб чикадиган асоратларнинг чеки йўқ деса бўлади. Ўйлаймизки касалик, инжиклик, дангасалик, бекорчилик ва бошқа сабаблар оқибатида юзага келган камкуватлилик, носогломник холатларни яхши кийимлар, кўп ужлаш, меъёридан ортиқча кулгилар, хатто хурсандчилликлар, дори-дармонлар ҳам енполмайди. Бунинг асосий давоси жисмоний тарбия машқлариидир. Шунинг учун жисмоний машқларни бажаришни аввало энг ёшлиқдан ўрганиш, унга одатланиш, эҳтиёж сифатида сезиш керак бўлади.

Жисмоний машқларнинг турлари беҳисоб деса бўлади. Гимнастика, ҳаракатли ва спорт ўйинлари, сувда сузиш, ентил атлетика машқлари, миллый рақсларнинг ҳам турлари ўзига ярада кўпдир. Улар билан шуғуланиши учун эса жисмоний тарбия таълими ва илми билан танишиш, маълум даражада куролланиш, тўла ўзлашибтириб олиш жоиздир. Бу таълимни такомиллаштириш учун жуда кўп адабиётлар, ўкув ва методик қўлланмалар, илмий мақолалар давлат тилида яратилган.

Кеңири пайтларда спорт ташкылдары, соғломлаштириш марказлари, тиббиёт масканлари (поликлиника ва ҳ.к.) ҳамда мактабларнинг спорт залларида барча ёшдаги ва ногирон аёллар учун ихтисослаштириш гурухлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда оддий машқулар, рақс элементлари, уқалаш (массаж), сувда сузиш ва чиниқишиш машқулари бериб борилмоқда.

Хотин-қизлар, айниқса ёш оналар турли хил жисмоний машқуларни ўргатиш учун маҳаллаларда, оиласларда, қизлар, аёлларнинг давраларида (гапларда) соғломлаштиришга доир тадбирлар ташкил қилиш, тушунтириш ва маслаҳатлар бериш семинарларини ўюштириш лозимдек кўринади.

Мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, ўрта маҳсус ва олий ўкув юртлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек маҳаллаларда турли хил соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш учун маҳаллий хотин-қизлардан мутахассис ходимлар тайёрлашни янада кенгайтириш лозим. Бунинг учун УзДЖТИ, Олий ўкув юртларида жисмоний тарбия кулиёtlари, педагогика билим юртларида қабул қилиш миқдорларини кўпайтириш керак. Спорт кўмитгалар, спорт жамиятлари, спорт клублари, ўкув ва ишлаб чиқаришдаги жисмоний маданият жамоаларида хотин-қизларнинг маҳсус семинар-кенгашларини ва курсларини (3-4-ойлик) ташкил қилиб, инструктор- методистлар тайёрланишни йўлга солиши керак. Бу йўллар билан соғлом оналикни таъминлашда анча олга қадам кўйтиш мумкин бўлади. Шунингдек Республикадаги жисмоний маданият тараққиёти, айниқса Хотин-қизлар билан олиб борилаётган илғор тажрибалар, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган хотин-қизлар лицейлари (собиқ билим юртлари) фаолиятлари матбуот, телерадиода кўпроқ ёритилиши лозим. Бундай иш тажрибаларни талабалар мустақил равишда ижодий ўрганишлари керакdir.

1.3. СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ САЁҲАТЛАР ВА ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ.

1.3.1. САЁҲАТЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР.

Жисмоний тарбиянинг муҳим воситаси сифатида саёҳатлар узининг турли шакллари, мазмунлари ва соғломлаштирувчи тарбиявий ҳусусиятларига эгадир. Саёҳатлар асосан қўйидаги йўналишлардан иборат:

1. Сайр (прогулка).

2. Томоша (экскурсия).
3. Сафар ва саргузашлар (экспедиция, путешествия).
4. Пиёда юриш, тоқقا чиқиш, уловларда юриш (автомашиналар, поезд, самолёт, пароход ва ҳ.к.).

Саёҳатларнинг барча турлари бўйича адабиётлар, махсус қўлланмалар, ўкув қуроллари анчагина топилади. Фақат уларнинг бъзи бирларигина қисқача маълумотлар бериш билан кифояланилди.

Сайр қилиш асосан кексалар, нуронийлар, ногиронлар, ёш болалик оналарга хос бўлган тадбирлардан биридир. Булар ёши, жинси ва саломатлик ҳолатларига қараб катта кўчалар, хиёбонлар, истироҳат ва кўнгил очар боғлар, сўлим ва хушманзарали жойларда амалга оширилади.

Сайр ва томошалар бир-бири билан узвий боғлиқлар. Томошаларда куйидаги мақсад ва вазифалар олдинга кўйилиши мумкин, яъни:

1. Болалар боғчасида атроф-муҳитни кўриш, томоша қилишини ўюштиришлари асосий тадбирdir.
2. Ўкувчи ёшлар, талабалар ва меҳнаткаш аҳоли, зиёлиларнинг музейлар, тарихий ёдгорликлар, бошқа шаҳарларга томоша қилиш йўли билан амалда бажарилади.
3. Асосий саёҳатлар (пиёда юриш, тоқقا чиқиш, уловларда юриш) тоғлар ва хушманзарали жойларга ўюштирилади. Бунда ўкувчи ёшлар, ота-оналар, меҳнаткашлар иштирок этадилар.

Соғломлаштириш жиҳатидан пиёда юриш, тоқقا чиқиш ва ҳ.к. энг муҳим аҳамиятта эгадир. Шу сабабдан уларнинг асосий мақсади, вазифалари, қисқача мазмуни ҳамда ташкилий хусусиятлари хақида баён этилмоқда.

Пиёда юриш саёҳати. Саёҳатларнинг мазмуни асосан юриш йўналиши (маршрут), манзиллар (объект) ва бажариладиган фаолиятлардан (юриш, дам олиш, овқатланиш, гулхан ёқиши, атроф-муҳитни кузатиш ва ҳ.к.) иборатdir. Булар ўз навбатида дам олиш куни (бир кунлик), тунаб келиш (2-3 кунлик) ва татил пайтлари кўп кунлик (3-10 ва ундан ортиқ кунлар) саёҳатлари шаклларидан иборат.

Саёҳатларга тайёрланишда манзилни белгилаш, мақсад ва вазифалар асосида (жойларни текшириш, ҳайвонот оламини ўрганиш, тадқиқот ва ҳ.к.) ҳарита чизиги (схема) тузиш, жиҳозлар, кийимлар, озиқ-овқатлар, тиббий воситалар (аптечка) ва ҳ.к. зарур нарсаларни жамгарилади. Бунда энг муҳими шундаки, саёҳатлар турӯҳларини аниқлашдир. Гуруҳларда 12-15 киши бўлиши мумкин. Саёҳатларга чикувчилар энг аввало тиббий кўрикдан ўтишлари,

ота-она (болалар), иш (үқиши) жойидан рухсат олишлари шарт. Жамоали (иш, үқиши ва б.к.) уюштирилган расмий хужжатлар (буйруқ, йўл варакаси, аник вазифалар) бўлиши керак.

Саёҳатларда юрганда масофа бир кунда 10-12 км ва кўпкунлик саёҳатларда 125-150 км. чамасида бўлиши тавсия этилади.

Саёҳатлар жараёнида тўсиқликлар, тезоқар сувлар (дарё), пастбаланд жойлардан ўтиш қоидаларига риоя қилинади.

Тунаб келиш ва кўпкунлик саёҳатларда қуидаги тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилади:

1. Табиатни кузатиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш.
2. Тарихий ва археологик, геологик жойларни ўрганиш, кўриш, уларнинг ҳариталарини чизиш, тузиш.
3. Ўрмон хўжалиши, кўриқхона ва турли хўжаликларнинг (чорва, мева, галла ва ҳ.к.) фаолиятларига ижтимоий-фойдали меҳнат билан амалий равишда ёрдамлашиш.
4. Турли кил маҳсус машқлар ва чамалаш (мўлжалташ) бўйича мусобақалар (слёт) ўтказиши.
5. Саёҳатларни ташкил қўлувчи раҳбар саёҳат (туризм) малакасига эта бўлиши талаб этилади.

Тогда юриш саёҳати. Саёҳатнинг бу тури асосан саёҳат малакасига эта бўлган ва жисмонан чиниқсан кишилар, ўкувчи ёшлар учун ташкил қилинади. Бунда асосий максад бирон чукки (энг баланд төғ усти) ёки белгини (тур) эгаллаш, биринчи даражали (категория) қийинчлиликдаги (трудности) довондан (дентиз сатҳидан 1-1,5 км баландлик) ошиш, атроф-жойлар билан танишиш, уларнинг тузилиши ва жўрофик ҳолатларини чизиш (схема тайёрлаш) ва ҳ.к. ҳисобланади. Саёҳатларнинг ўтказилиши муддатига яраша зарур жиҳозлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, дорилар бошқа керакли нарсаларни тўплаш, жамғариш зарурдир.

Уловларда саёҳатлар. Ўзбекистоннинг жўграфик тузилиши ва габиати уловларда саёҳатлар ўтказишга жуда қулайдир. Чунки пасттекисликлар, чўллар ва шаҳар атрофлари тоғли жойлар билан ўралган. Бундай жойларга етиб бориш учун турли кил уловлардан фойдаланишга тўғри келади. Пиёда юриш ва тоқقا чиқиш жараёнларида юкларни кўтариш, чарчаганларни миндириш учун от, эшак, тuya, кўтос, хўқиз ва б.к.лардан фойдаланилади. Саёҳатларнинг манзиллари шаҳардан узоқда бўлса автомашиналар, мотоцикл, велосипед ва бошқа техник уловлардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Тошкент вилояти худудларида Чимён, Белдорсой, Фарғона водийсида Шоҳимардон, Арслобоб, Жиззах вилоятининг Зомин,

Бахмал, Самарқанд вилоятининг Ургут, Омонқутон, Қашқаларёниг Амир Темур горлари, Сурхондарёниг Боботоғлари ва бошқа худудларида хушманзарали, табиат гўзалилтига бой жойлар жуда кўп. У ерларда маҳаллий аҳоли ва саёҳатчилар учун ўрмон хўжаликлари, қўриқхона ходимлари томонидан от, эшак, хўкиз ва бошқа уловлардан фойдаланишни яхши йўлга кўйишган.

Кўпкунлик саёҳатларга чиққанлар бундай имкониятлардан мақсадли фойдаланишлари ва уларнинг талаб-шартларини сўзсиз бажариларига тўғри келади. Акс ҳолда тушунмовчиликлар, кўнгилсиз воқеаларга юзага келиши мумкин.

Саёҳатлар доимо мазмунли ва қизиқарли бўлиши керак. Бунинг учун эса барча саёҳатчилар умум қоидаларга тўла риоя қилишлари, ўзбошимчаликларга йўл кўймасликлари шарт бўлади.

Хулоса қилиб айтганда юртимиз мустақаллиги шароитидан келиб чиқсан ҳолда саёҳатларни тўғри, мақсадли уюштириш, қатнашчиларнинг саломатлиги ва руҳий бойлигини ошириш, «Алномиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари талабларини бажаринига алоҳида эътиборни қаратиш лозимдир.

1.3.2. ҲАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ ВА БОСҚИЧИ СИФАТИДА

Ҳалқ миллий ўйинлари деганда қадимдан аҳоли ўртасида кўлланилиб келинаётган курашларимиз, от ўйинлари (пойга, кўпкари ва ҳ.к.), дорбоз, ҳаракатли ўйинларни (кулоқ чўзма, эшак минди, орқанг куйди, пода тўп ва ҳ.к.) тушунилади. Уларнинг ўзига яраша мазмунлари, мақсадлари ва тарбиявий хусусиятлари мавжуд. Энг муҳими уларда чаққонлик, этчилик, куччилик, чидамлилик, бардошлилик каби жисмоний сифатлар, орият, Ватанпарварлик, галаба сари интилиш ва жуда кўп фазилатлар мужассамлашган. Шу туфайли уларни жисмоний тарбиянинг энг муҳим воситалари таркибиға киритиш мантиқий жиҳатдан тўғри бўлади.

Ҳалқ миллий ўйинларининг турли-туманлиги, улардаги кўпқирорали ва кенг қамровли ижтимоий-тарбиявий жиҳатларни жисмоний тарбия тизимининг олдинги босқичлари сафига қўшиш адолатдан бўлар эди.

Ҳалқ миллий ўйинларнинг баъзи хусусиятлари ва уларнинг мазмунлари кейинги боблар ва бўлимларда ўз ифодасини топган. Шу сабабдан уларнинг мазмуни ҳақида тўла мулоҳазалар юритилмади.

Айттиш зарурки, Республика нинг барча худудларида Халқ миллий ўйинлари у ёки бу шаклда ривожланган. Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, айниқса Қашқадарё ва Сурхондарё ҳалқи тўйларини курашсиз ва кўпкарисиз ўтказмайди. Бу қадимдан колган урф-одат, миллий қадрият ҳисобланади. Уларнинг тарбиявий хусусиятлари самарали бўлганлиги ва ҳалқни жипслаштириш, уларнинг маънавий-маърифий маданиятини бойитиш йулида катта хизмати бўлганлиги учун ҳозирги истиқдол даврида ҳам уларга катта аҳамият берилмоқда.

Халқ миллий ўйинлари барча оммавий — маданий тадбирлар, замонавий спорт турлари бўйича ўтказилаётган спорт мусобақалари қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлмоқда. «Наврӯз», Мустақиллик куни, ҳосил байрами ва бошқа купгина анъанавий тадбирлар мазмунида кўриш мумкин. Шу жиҳатдан олганда факат қишлоқ ёшлари ёки меҳнаткашларигина эмас, балки шаҳар ёшлари, зиёлилари ва барча кишилар ҳалқ, миллий ўйинлари билан имконият даражасида шугулланишлари, оила, маҳалла, ўкув юртларида бирталашшиб мусобақалар ўтказишлари мақсадга мувофиқдир. Бундай тадбирлар барча кишиларни, айниқса ўкувчи ёшларни Ватанпарварлик, садоқатлилик, ўзаро хурмат ва касб-хунарга йўллаш каби тарбиявий жиҳатларни такомилтасhtiришда бевосита хизмат қилиши мумкин.

1.4. СПОРТ – ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ.

Спорт тушунчаси маҳсус мураккаб ва кучли (жисмоний сифатлар мужассамлиги) машқлар мажмуидан иборат эканлигини билдиради. Уларнинг мақсад, вазифа ва мазмунида юқори даражадаги ҳаракатлар маҳоратини эгаллаш (разряд талаблари), рекордлар ўрнатиш, мусобақалarda ғолиб бўлиш кабилар талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда мусобақаларда қатнашиш, машқлар мажмуини яхлит ҳолда бажариш, разряд талабаларини уddyлаш каби вазифалар қўйилади. М: тўлни зарб билан дарвозага тепиши, оғир атлетикада штангани кўтариш гимнастикада турнирда айланishi ва ҳ.к.)

Ўзбекистонда ёшлар спортининг 50 га яқин турлари билан шуғулланадилар ва 30 га яқин тури бўйича Халқаро спорт мусобақаларида иштирок этмоқдалар. Спорт турлари орасида футбол, тенис, бокс, шарқона якка курашлар, енгил атлетика ва б.к. турлар билан кўпчилик кишилар шуғулланишадилар.

Мустақиллик туфайли Ўзбек кураши (Бухоро усули) жаҳон спорт турлари сафидан ўрин олди ва жаҳон биринчилларни (1990 йилдан бошлаб) ўтказилмоқда.

Спорт турларининг мазмуни ва мақсади соғломлаштириш вазифаларига ҳам қаратилганцадир. Яъни спорт машқларининг бальзи турлари ва бўлимлари (элементлари) бўйича истаган киши шугулланishi мумкин. Бунга мисол тариқасида куйидагиларни келтириш мумкин:

1. Оддий майдон ёки очик жойларда футбол ўйнаш.
2. Эркак ва аёллар аралаш ҳолда волейбол ўйнаш.
3. Бокс, кураш, оғир атлетика (штанга) Машқларни эркин ҳолда бажариш.
4. Ҳиёбон ва истироҳат боғларида логуриш.
5. Сув ҳавзаларида вақтсиз ўз ҳоҳиши бўйича сузиш ва ҳ.к.

Спорт элементларининг ҳар бир кишига манзур томонлари бўлади. Яъни кимдир тупни тепшини, бошқаси эса тутиб (илиб олиш) олишни мақул кўради. Яна кимлар эса волейбол тупни зарб билан уришни ва уни қайтаришни хуш кўради. Хулас спорт турларидаги жуда кўп бўлаклар, қисмлар оддий шугулланувчи учун соғломлаштириш вазифасини ўташда хизмат қиласди.

Эътироф этмоқ зарурки, спорт билан шугулланиш ёшларга ато этилганцадир. Чунки уларнинг жисмоний жиҳатдан тайёргарларгини ошириш, қобилият ва истедодларни юқори даражада тарбиялашга гавда тузилиши (оғирлик кўзда тутилганда), танадаги ўсиш, ривожланиш хусусиятлари (аналитик, физиологик, психологик жиҳатлар) мос келади. Ўрта ва ката ёшдаги кишиларга эса бундай хусусиятлар анча пасайган бўлади. Жисмоний сифатлар (куч, тезлик, чидамлилик, чўзилувчанлик ва ҳ.к.) ёшларга хос мавжудликдир. Ёш улғайган сари бу хусусиятлар эскиради, сусаяди ва камаяди. Шу сабабдан ҳар бир киши ўз имконияти, саломатлиги ва ҳолатини яхши билиш шарт бўлади.

Спорт турлари элементларини соғломлаштириш мақсадида ишлатиш, улардан онгли равишда фойдаланиш учун ҳар бир киши энг аввало жисмоний машқлар билан мунгазам равишда шугулланиб бориши, машқларнинг бажарилиши техникаси ва усуллариги ўзлаштириб олиши лозим бўлади. Акс ҳолда тушунмай ёки зўрмаз зўраки спорт машқларини бажариш энг аввало мушакларда чўзилиш ёки узилиш, бўғинларда эса сангчиқлар юзага келишини мумкин. Бундай ҳолларни сезганда мушак ва бўғинларни (оғриқ пайдо бўлган жойларни) секин сийпалаш қаттиқ лат еганда эса совук,

сунда ювиш ёки латта босиши тавсия этилади. Шу билан биргаликка тезда шифокорларга мурожаат қилишга тұғри келади.

Халқимизнинг «Темирни қызиганды бос» деган ажойиб мақоли бор. Булғы инсон ҳаракати билан бевосита болғып бўлган фаолиятларга ҳам боғлаш мумкин. Яъни ҳар қандай оғир ёки мураккаб ҳаракатларни бажариш олдидан (тортилиш, тош күтариш, тез югуриш, кура шва ҳ.к.) камидә 100-200 м.га юриш, нафас олишни чуқурлаштириш, кўллар, оёқлар, ва гавда мушаклари учун зарур бўлган машқтарни бажариб, гавдани қизитиши (тайёрлаш) лозим. Бундай йўлларга итоат этмадан тўридан-тўғри мураккаб машқларни бажариш оқибатида юқорида таъкидланганнидек мушак ва бўғинларга зўр келиши, оғриқлар пайдо бўлиши, улар кейинчалик сурункасига (хроник) айланиш эҳтимоли йўқ эмас.

Спорт барчага анча аён бўлганилиги учун баъзи мулоҳазалар билангина чегараландик, холос. Спорту ҳавас қилганлар маҳсус дарслик ва қўлланмалардан фойдаланишлари мумкин бўлади.

II БОБ. ДАВОЛОВЧИ ВА ЧИНИҚТИРУВЧИ УҚАЛАШМАЙКЛАРИ.

2.1. ДАВОЛАШ МАСКАНЛАРИДА УҚАЛАШНИНГ СОФЛОМЛАШТИРУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон мустақилигининг 10 йиллик даврида аҳолининг соэлигини яшилаш борасида мисли кўрилмаган улкан тадбирлар амалга оширилди. «Софлом авлод учун» давлат дастури, Соғлом авлод йили (2000 ҳамда «Оналар ва боллар йили» (2000) йўналишига кеңт имкониятлар берилди. Деярлик шаҳарлар, туманларнинг марказлари, ҳатто узоқ қишлоқ шароитларида янги тиббий марказлар, шифохоналар, даволаш марказлари, муассасалари ишга туширилди. Мактабгача ёнданға болалар муассасалар тармоғи тобора кўпаймоқда. Аҳоли турар жойларида соғломлаштириш марказлари, спорт иншоатлари қад кўтармоқда.

Шифохоналар, турли даволаш муассасаларги, спорт иншоатлари, ўкув юртлари ҳамда йирик ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар таркибида соғломлаштириш групчалири тобора кўпаймоқда, уларнинг тармоқлари барча хасталикларни даволаш, соғлом кишиларни ҳар томонлама ривожлантириш каби фаолиятларни юксак даражада амалга оширимоқда. Бунда енгил атлетика, гимнастик, сувда сузиш, спорт ўйинлари, тренажёрларда атлетик машқларни тозоштириш кечирмоқда.

лардан унумлі ва мақсадлы фойдаланылмокда. Уларниң таркиби ди беморлар, кексалар, меңнатда хориққан кишиларни үқалаш (массаж) машқлари анча устивор туради.

УҚАЛАШ (массаж) ҳақида қисқа лавжалар.

Уқалаш энг қадимти аждодларимиздан мерос бұлиб келған ва узоқ йилтардан бүён үз мазмуні ва мохияти билан Халқ табобати-да көнт құлланилиб келинаёттан даволовчи ва чарчоқларни чиқа-рұвчтадбирлардан бири ҳисобланади. Уқалашнинг танадаги (орга-низм) оғриқтар, уюшиш (мушаклар тортилиши, жонсизланыши) ҳамда ҳаракатсизликни йүқотища бирдан-бир омил эканligи, айниқса сүяқ, мушак, асаб ва бошқа аъзоларнинг иллатларини даволашда унинг мохиятлари ҳақида қадимти Юнон олимлари, Гиппократ, Платон ва улуг алломамиз Абу Али Ибн Сино илмий башоратлар қилишган. Улар тавсия эттан йүл-йүриқдар, омиллар, ҳозирги кунда ҳам үз мохиятларини йүкоттган әмас.

Әътироф этиш лозимки, яқин утмишда улкан фаолият күрсат-ған олимлар, амалиётчи шифокорлар, жисмоний тарбия мутахас-сислари ҳам уқалашнинг тарбиявий ва даволовчи хусусиятлари ҳақида катта тадкиқтлар үтказишган. Улар орасыда В.И. Дубров-ский (Москва, 1992), В.С. Ибрагимова (М., 1988), О.А. Рихсиева, А.И. Рихсиев (Тошкент, 1988), Т.С. Усмонхұжаев ва б.қ. ниге хиз-мати каттадир. Лекип давлат тилида бу борада әътиборли иш амал-ға оширилмаган титидан факат афсусланиш мүмкін, холос. Шу сабабдан бу жойда уқалашнинг асосий ва оддий турлари ҳамда уларни құлшашнинг баъзи бир томонларига, янын көнг оммага ма-қул ва манзур бўлган жиҳатларигагина әътибор қарагилди.

Уқалаш деганда гавданинг тузилишига қараб барча аъзоларни, айниқса оғриқ жойларни бармоқтар билан чанталаб үқалаш ва кафтлар билан секин сийпалаш-силаш каби ҳаракатларни түшунилади.

Халқ табобати, айниқса замонавий тиббий даволашда уқалаш-ларнинг қыйидаги турлари көнг оммалашшан, янын:

1. Сийпалаш (силаш).
2. Чангаллаб, муштлаб әзиш, чимчилаш.
3. Оёқтар ва құллар билан босиш (тепкилаш).
4. Кафтлар ва кафтларнинг кирралари билан шаппотлаш, савалаш.
5. Бармоқ учлари ва мушт ҳолда босиш, әзиш (жамир ийлаган каби).

Бириңчи навбатда әътироф этиш лозимки, уқалашларнинг асо-сий мақсади ва мазмунлари мушаклар, қон томирлари, бўғиллар ша асаб толаларини уйғатиши, уларнинг иш фаолиятларини жон-

лантириш, яхшилашга қаратиласи. Бу жараёнылар марказий асаб тизимларига ижобий таъсир ўтказиш натижасида чарчоқни чиқариши, оқриқдарни йўқотиш (пасайтириш) ва инсон фаолиятини қайта тиклаш, уни ривожлантиришда бевосита хизмат қилади.

Яна шуни ҳам билиш керакки, уқалашлар асосан бўш вақтларда, айниқса кечки пайтларда мақсадга мувофиқ келади. Жаҳл чиққан ва ишга шошилиб турган пайтларда уқалашларнинг фойдаси бўлмайди, аксинча асабларни қўзгатиш, гашта тегиш каби жиҳатлар кучайиши мумкин.

СИЙПАЛАШ (силаш). Сийпалаш асосан кафт, бармоқлар ва билак билан бажарилади. Бунда асосан куйидаги ҳолатларда амалга оширилиши кўзда тутилиши мумкин, яъни:

1. Чўзиқ (узун) аъзолар (кўллар, оёқлар, гавданинг орқа ва олд томонлари ҳамда бўйин, юз, бошни секин силаш, сийпалаш зарурдир.
2. Хасталанган (бемор) ёки жароҳатланганда (лат ейиш), айниқса ёш болаларни жуда авайлаб сийпалаш, оғриқни қучайтирмаслик.
3. Чарчаган, ҳориган пайтларда сила-сийпалаш усуслари босиброқ, қаттиқроқ ҳолда амалга оширилади. Бунда асаблар ўз ҳолига келганча, мушакларда толикқин сезилмагунча уқалаш-сийпалашларни давом эттирилади. Уқалашлар асосан ёттан, ўтирган ҳолатларда бажарилиши шартдир.

ЧАЛГАЛЛАБ, МУШТЛАБ ЭЗИШ ВА ЧИМЧИЛАШ.

Уқалашнинг бу тури асоан эти тўла (семизроқ) кишиларга мақул келади. Шунингдек оғриқ бўлмаган, лекин чарчоқлик натижасида этлар уюшганда кўллар, оёқлар ва гавданинг бошқа аъзоларини (айниқса орқа томон) аввало силаб-сийпаланади. Этлар (бадан) озроқ қизигач, бармоқлар билан босиб чиқилади. Сўнгра эса чимчилашга ўтилади. Охирида яна сийпалаб, бироз чангланаради. Бундай машқлар танасида бирон иллати бўлмаган ва жисмоний меҳнат билан доимий равишда шуғулланиб юрадиган кишиларга кўлланилиши зарур. Бажариш муддати этнинг чидаши ва чарчоқлининг чиқиб кетиштига қараб (15-20 дақиқа) давом этиши мумкин. Бажариш вақти эса ҳар кимнинг бўш вақти ва заруриятги-га қараб белгиланиши лозим. Уқалашнинг бу усулига ўрганган кишилар ҳафтада камида 2-3 маротаба такрорлаб туришлари мумкин бўлади.

ОЁҚЛАР ВА ҚҮЛЛАР БИЛАН БОСИШ (тепкилаш, тиззалаш)

Мөхнат жараёнларида чарчаганлар, чавондоз-полвоңлар, курашчилар уқалашнинг бу усулидан қадимдан буён кең фойдаланиб келинади. Ҳозирги давр кишилари орасида оёқлар оғриғи ва баданинг тиришиши (варажага ўжаш) каби ҳолатларда уй ҳолатларда уй шароитида ёш болаларнинг оёқлар билан босишини қўллашадилар.

Умуман тананинг уюшиши, тиришиши ва баъзи оғриқларни қолдиришда аъзоларни қўллар билан қаттиқ босиш ва устига чиқиб оёқлар билан босиш (тепкилаш, тиззалаш) анча фойда беради. Оёқлар билан босишда фақат ёшроқ ва вазни унча оғир бўлмаган кишилардан (яхшиси 8-10 яшар болалар) фойдаланиши лозим. Аёллар зарур бўлса, шу усулга одатланган бўлса, фақат 5-7 ёшлардаги болалардан фойдаланишлари керак бўлади.

Лат еган, качонлардир синган сүяклар устига чиқиши мумкин эмас, улардаги оғриқларни факат уқалаб, қўллар билан босиш ҳамда сийпалашнинг ўзи кифоя қиласди.

КАФТЛАР ВА КАФТЛАРНИНГ ҚИРРАЛАРИ БИЛАН ШАППОТЛАШ, САВАЛАШ.

Уқалашнинг бу усули ва тури бошқаларидан шу билан фарқи-ки, мушакларнинг кўндаланг ҳолда худди кескан каби ишлатилиди ва бошқа усувлар билан аралаштирилиб олиб борилади. Бунда мушаклардаги ҳужайра ва тўқималар, айниқса қон томирларининг уриши тезлигини кучайтиришда хизмат қиласди. Бу усувлар қўлланилиши жараёнида шугууланувчи (ёки бемор) оғриқларни қаттиқ сезса, зинхор уқалашни тухтатиш зарур ва сийпалаш йўлига ўтиш лозим бўлади. Бу усулни ёш болаларга ва бирон жойида оғриғи бор кишиларга (бел оғриқ, сүяк ва ҳ.к.) қўллаш ман этилади.

БАРМОҚ УЧЛАРИ БИЛАН БОСИШ ВА ЭЗИШ.

Аъзолардаги оғриқ жойлар, нукталарни билиш ёки оғриқларни қолдириш мақсадида бу усул кең фойдаланилади. Шу сабабдан буни «Нуктали уқалаш» (точечнўй массаж) дейилади. Бу усулни қўлловчилар физиология ва психологиядан мъттум даражада ҳабардор бўлиши шарт. Яъни инсонларнинг фаол ҳаракати, ақл-заковати, фикр юритиш ва руҳий ҳолатларини таъминловчи марказий ясаб тизими ҳамда уларнинг гавдага тарқалиш, йўналиши ва боғлиниш (туташиб) жойларини (нукталар) назарий ва амалий жи-

хаттадап билиш керакдир. Бусиз нұқтали уқалаш ўрнига катта зарар келтириши мүмкін.

Бош оғриган пайтларда баъзи кишилар құллари билан бошини икки томонлама (ён ва орқа олд) қисиб босища ёки рүмол билан мақкам қисиб боғлашади. Бундан кейин оғриқнинг пасайишини сезади. Бу ҳолат ҳамма вакт фойда беравермайды. Шу сабабдан бошнинг олд томони (пешона-манглай) санғиб оғриганида қош устлари ва чинтиқларни (кулоқ усти ва күз оралиги) бош бармоқ ва барча бармоқлар ишпирокида босиб-босиб уқалаш-эзиш лозим. Бу ҳолатларни 5-6 маротаба тақрорлаш, оралиқларда 1-2 дақиқа дам бериш зарурдир.

Күз ачишса, хирлашса қулоқ устлари ва бүйин устларини сийпалаш, бармоқлар билан қисиб-босиб эзиш лозим. Умуман бош устидаги сүякларнинг қиррали жойлари, қулоқ орқасидаги ўсимтага сүяқ (чиганок) учи, юзларнинг сүяқ қисмларида асаб нұқталари марказлари (нұқталари) жойлашып. Шу сабабдан уларни вакти-вақти билан сийпалаб, уқалаб, босиб-эзив түриш мақсадға муво-фиқ бўлади.

Елка, қўллар, оёқлар ва умуртқа погонасидаги бўргиб турган сүяклар, бўғинларнинг атрофларини ҳам бармоқлар билан босиб, эзив, чанглалаб уқалаб түриш керак.

Уқалашнинг бу тури жойлардаги нұқталар орқали бошмиядаги қон айланиш ҳамда марказий асаб тизими фаолиятларини уйғатиш, тезлаштиришда хизмат қилувчи бирдан-бир омиллардан ҳисобланади.

Нұқталы уқалашларнинг сир-асрорларини чукур ўрганишни истовчи кишилар адабиётлар рўйхатида келтирилган қўлланмалардан фойдаланишлари тавсия этилади.

Яна бир бор такидаш жойизки, уқалаш шифохоналар, даволаш муассасалари, марказлари (поликника, санатория, шахсий шифохоналар ва ҳ.к.) ҳамда соғломлаштирувчи марказларда ихтисосли мугахассислар томонидан олиб борилади. Шу сабабли беморлар, уқалашга муҳтожлар, у билан қизикувчилар мутассадди муассасаларга мурожаат қилиши, тегишли маслаҳатлар олишлари лозим.

Ижтимоий-маданий турмуш шароитимиз ва таракқиётимиз тақазо этаётган ўзини-ўзи бошқариш йўллари соғликни яхшилаш, ривожлантириш ва керак бўлганда саломатликни қайта тиклаш жараёнларида барча машқларни бажариш билан биргаликда, уқалаш усулиарини ҳам бажариш зарур бўлади. Яныни ҳар бир катаю-кичик фуқаролар, айниқса ўкувчи ёшлар, талабалар ўз танасининг ри-

вожланиш даражасини назорат қилиші, унинг йўл-йўрикларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўзлаштириб олишлари яхшиликдан бошқа нарса эмас.

Хулоса қилиб айтганда соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланган уқалашлар ҳозирги авлодларнинг кундалик турмушидан ўринли жой эгаллаши ва буюк келажак авлодларини соғлом қилиб тарбиялашда барча жисмоний тарбия омилларидан кеңг ва самарали фойдаланиш фўлларини оммадаштириш зарурияти бор, деб айтишга лозимdir.

2.2. ЧИНИҚТИРУВЧИ УҚАЛАП МАШҚЛАРИ.

2.2.1. АСАБЛАРНИНГ НУҚТАЛАРИ ҲАҚИДА.

Инсон ҳаракат фаолиятини бошқарувчи бош мия ва гавдадаги асабларнинг жойлашиши, бир-бири билан уларнинг ўзаро тугашини ҳамда марказлари ҳақида физиология фани, кўп илмий тадкиқотларнинг натижалари асосидаги ўкув-услубий қўлланмаларда батафсил баён этилган.

Республиканинг тиббиёт соҳасидаги фанлар ва шунингдек спорт физиологияси ҳамда даволаш жисмоний тарбия соҳасидаги ўкув-услубий қўлланмалари, монографиялар яратишда атоқли олимлар О.А.Рихсиева, А.Қ.Ҳамроқулов, Қ.А. Нурмуҳамедов, Т.Расулова, А.И.Рихсиев ва б.қ.нинг хизматлари эътиборга сазовордир. Юқорида номлари зикр этилган фан намоёндалари ҳамда Россиялик машҳур олимлар В.С.Ибрагимова (1984), В.И.Дубровский (1982), Н.В.Тягин (1992) ва б.қ.нинг ўкув-услубий қўлланмалари, монографиялари, илмий-оммабон рисолалари омма орасида кенг тарқалган. Уларда қайд этилган баъзи бир мулоҳазаларни келтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Муқаддас олимларнинг такидлашича инсон танасида миллионлаб асаб толалари бир-бири билан туташган ва уларнинг аниқ нуқталари (марказлари) мавжуддир. Инсон ҳаркатини бошқарин, ташки таъсирларни (сўз, иссиқ, совук, оғриқ, кўриниш ва ҳ.к.) сезиш асосан асаблар орқали амалга оширилади. Такидлаш лозимки, асабларнинг сезилиши ва зинҳор жавоб берисиши шунчалик тезки, ҳатто унга ёруғлик нури ва электр қуввати кучининг тезлиги ҳам тенг кела олмайди. Шу ўринда бир мисол келтириш мумкин бўлади, яъни қоронгида чироқ ёқилганда атрофдаги кишиларни таниб олиш ва ҳ.к.

Асаб касалликлари шифокорлари беморни текшириб қўришда уларнинг тиззалари, билаклари ва б.қ. жойларига кичик болғача

Билан сескин уриб күради. Бунда беморда сиптаниш ёки бирон жойи тирқираб оғриб кетгашылыги аниқланади. Шунингдек игна билан даволашда асаб нұқталарига игна санчылади ва беморнинг оғриқ жойларини тезда белгилаб олади. Бармоқ ва оёк учлари, қулок-буруннинг четлари па қүйиніки барча аъзоларда асаб толаларининг бошланиш ҳамда туташ жойлари мавжуд. Уларга игна санчиш, сийпалаш, уқалаш, иситиш, ва б.к. Йўллар билан таъсир ўтказишиша бош мия пўстлоғидадаги асосий марказлар тезда таъсир беради ва ўша асаблар оркали орқага келади. Қайтади. Натижада инсонлар бу ҳолатларни тезда сезади ва сабабларини англайди.

Шифокорлар аввало оғриқ сезилишини белгилаб, кейин уларни даволашга киришадилар. Бу соҳадаги билим ва амалий малакалар аҳоли ўртасида қадимдан қўлланилиб, уларда уқалаш кенг қўлланилганлиги маълум.

Ўтган бобнинг бўлимларида бўғинлар ҳақида ва уларга берилиши лозим бўлган машқлар, амаллар ҳақида матълум даражада тафсилотлар баён этилди. Унинг давоми (богланиши) ҳақида асабларнинг иш фаолияти ва уларда уқалашларнинг афзаликлари ҳақида ҳам бир неча сўз юритишга тўғри келади.

Бош мия гавдадаги барча аъзоларни ҳаракатлантирувчи ва бошқарувчи марказдир. Унинг давоми эса орқа мия (умуртқа ичидаги моддалар-илик) ҳисобланади. Улар наъбатида гавдадаги барча мушакларга туташдир. Мушаклар эса суюклар ва тоғай моддаларга туташган. Мушаклар ва суюкларни озиқлантирувчи қон ва бошқа суюқлик моддаларда ҳам асаб толалари бирлашиб кетган. Шу туфайли инсон чарчаган, хориқканда ёки хасталанганда мушак ва суюкларнинг оғриши, зиркираши ҳамда оғирлашгандай сезилади.

Халқ орасида «Қаеринг оғриса-жон», деб бекорга айтишмагандир. Бундай иллатлардан қутилишида уқалашларнинг аниқ нұқталарини билиш ва тегишли амалларни қўллаш лозим бўлади.

Катта спорт билан шугулланувчиларга, айниқса бокс, кураш, штапиңа, футбол, енгил атлетика каби спорт турларида спортчига мусобака бошланиши олдидан маълум уқалаш машқларидан фойдаланилади. Бунда чиниккан мушаклар ва асабларни қўзғатувчи омиллардан, яъни нұқталарга тегишли машқлар қўлланилади. Мусобакалардан кейин эса гавда мушаклариги дам олдириш, асабларни суайтиришга доир маҳсус уқалаш машқлари бериб борилади.

Ёш болалар ва ўқувчи ёшларни жисмоний жиҳатдан чиниктиришда турли машқлар қаторида уқалаш, сийпалаш амалларини қўллаш максадга мувофиқдир. Бунда асаб толаларига доир сийпа-

лаш, уқалаш машқларини билиб ишлатиш зарур. Мұнда ёш бола у ёки бу сабаб билан йигіланда юпатишиң даир ҳар қандай сөз ишлатманғ, у тезде йигидан тұхтамайды. Агар елка ва бошини сийпалаб, әркалатиб іапирилса бола йигидан тез тұхтайди. Бунда сийпалаш ва сөз тәсіри асабларға тез етиб боради. Бундан холоса шуки, болаларни тез ҳаракат қилиш, қаққон бүлип, айтылған сүзлар ва маслағаттарға тұла риоя қилиши учун асабларға даир амалларни (сөз, сийпалаш, әркалатиб, макташ ва д.к.) құллаш зарур бўлади. Бу ҳолатлар болаларнинг жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва Ҳалқ миллий үйиндарини билиш ва уларда амалий шугулланишларга ижобий таъсир этиши мумкин.

2.2.2. УҚАЛАП МАШҚЛАРИ.

Гавда мушакларини уқалаб даволаш, жисмонан ривожлантириш ва чинктиришда күйидаги йұл-йүрікшарға (усуллар ва амаллар) риоя қилиш макул бўлар эди, яъни:

1. Чакалок ва кичик ёшдаги болаларни (1-3 ёш) жисмонан тарбиялашда қўлланиладиган уқалапи машқлари:

2. Мактаб ёштагача бўлган болаларни (4-6 ёш) жисмоний тарбиялашда уйда (оиласда) гавдани аъзоларини сийпалаш, уқалаш, чанталаб машқ қилиш. Болаларнинг ўзларига оёк қўл ва гавдани уқалаб, ишқалаб машқ қилишта ўргатиши. Мұнда ёки ҳовузариқларда ювунганды аъзоларни қандай ишқалаб ювина, уйда машқ бажарганда ҳам бу ҳаракатларни тақрорлашта одатлантириш.

3. Жисмонан заифроқ ўкувчи ёшлар уй шароитларида ўзини-ӯзи уқалаш, айниқса эрталабки гигиеник гимнастика машқлари билан аралаш ҳолда бажарыш лозим бўлади. Бунда камидә 20-25 дақиқа вакт ичидә қўллар, оёқлар кўкрак, қорин, бўйин ва б.к. аъзоларни сийпалаш, чанталаб ишқалаш зарурдир. Шунингдек бўйин, орқа, бел умуртқаларини ҳам ўзи уқалаши, эзиши ва бурилиб, эгилаб машқлар қилиши керак.

4. Ёш болалик оналар, қария ва кексалар (эркак ва аёллар) бармоқлар ва кафтлар билан юз, бўйин, қўллар, гавда, оёқларни сийпалашлари зарур. Зарур бўлганда оила аъзоларидан бирита уқалаб кўйишни талаб қилиш лозим. Бунинг учун эса кекса ота-оналар ўз фарзандларига ёшликтан уқалаш, сийпалаш, бармоқлар билан ботириб эзиш, оёқлар, елка ва белни тиззалашиб, муштлаб, ҳатто устига чиқиб тепкилашни ўргатишлари лозим. Юқорида айтилған кишилар, тавсия этилған машқларни кўпингча эрталаб, кундузти

нашарларда, кечкурун, кишки мавсумларда эса ҳар 2-3 соатда тақрорлаб туришлари яхши бўлади.

5. Жисмонан соглом, чиниқсан кишилар ва ҳатто етук спортчилар ҳам иш шароити ва мусобақалар (машгулотлар) жараёнларида ортиқча чарчаши ва толикиши мумкин. Бундай ҳолларда уйга келгандга ўзини ўзи уқалаш машқлариги бажаришлари лозим бўлади. Оила аъзоларидан бири уқалаш машқларининг турлари ва бажариш усусларини яхши ўзлаштирган бўлса, унда ўша одамга уқалатиш зарурдир.

Ҳаётий тажрибалар, кузатишлар, маҳсус сұхбатлар натижасининг кўрсатишича катта ёшдаги соглом эркак ва аёллар, айниқса қишлоқ шароитидаги меҳнаткашлар уй шароитларида уқалаш ва тепиш машқларини кўп кўллашадилар. Бундай ҳолларда ёш болаларнинг оёқ учлари, болдир, сон сүяклари мушаклари, бел ва елкага чиқиб босиш (тепиши) ҳаракатларидан фойдаланиладилар. Ёки қўллари кучли йигит ва аёлларнинг барча аъзоларни айниқса, қўллар, бел, елка, оёқларни қаттиқ эзгилашиб уқалашлари натижасида чарчокларни чиқаришади ва қаноат ҳосил қиласидилар, ором оладилар.

Хулоса қилганда мушак толалари, тўкима ва ҳужайралардаги қон айланиш тартиби меъёрига тушади, асаблари ишга тушиб, гавдадаги моддалар оқими, уларнинг тезлаштирилган ёрдам беради. Уқалашлар хасталикни камайтириш даволаш ва жисмонан ривожлантиришда муҳим омил сифатида хизмат қиласиди.

III БОБ. ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ СОГЛОМЛАШТИРУВЧИ МОҲИЯТЛАРИ.

3.1. САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА ДОНИШМАНДЛАРНИНГ ЎГИТЛАРИ.

Республика Президенти И.А. Каримов 2000 й. май ойида булиб ўтган Олий мажлис сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинча нутқ сўзлаб, спорт соҳасидаги эришган ютуқларни янада мустаҳкамлани, «Пахтакор» футбол жамоасининг аввалги анъаналарини қайта тиклаш, «Алтюмиш» ва «Барчиной» маҳсус талабларини оммага сиптириши учун ўкув юргарининг «Жисмоний тарбия» дастурлариги янгилан иштаб чиқиши, умумтаълим мактабларда жисмоний тарбия дарсларини кўпайтириши ва бу билан ўкувчи ёшларнинг жисмоний камолотини юксалтириш лозимлитетини алоҳида қайд этили. Бундай

талаблар буюк келажагимизнинг маънавий ва жисмоний комолотга етишган инсонларини тарбиялаб етиштириш йўлларини илмий-педагогик жиҳатдан асослаб беришни тақазо этади. Шу сабабдан босиб ўтган тарихий йўллар ва маънавий – маърифий маданиятизмизнинг моҳиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, илмий – назарий меросларни ўрганиб, таҳлил қилишга тўғри келади.

Авваламбор эътироф этиш лозимки, юртимиз мустақаллиги ва унинг истиқболидаги тараққиётлар чексиз ҳамда кент кирралидир. Бунда маънавий ва жисмоний баркамоллик маданияти мухим ўринлардан бирини эгалламоқда.

Ҳар бир тарихий давр ва ижтимоий – маданий тараққиётларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, тарбиявий-педагогик жараёнлари равнақ топиб келган. Шу ўринда ҳозирги мустақиллик истиқболини мустаҳкамлаш ва тараққий килган мамлакатлар қаторида бўлиш учун қилинётган фидойиллик, меҳнат ва саъй ҳаракатлар Ўзбекистон аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш, тинч-осойишталик билан яшashi ва меҳнат килишини таъминлаш, айниқса ўкувчи ёшларни маънавий ва жисмоний камолотта йўллашга қаратигланлигини олий мақсадлардан биридир.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишлиган тантакада сўзлаган нутқида: «Ватанимиз истиқтолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шон-шуҳратини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон куриш бизнинг инсоний ва фукаролик бурчимиздир», деб бежиз айтматан.

Бундай шароитларга эриштириш мақсадида юртимизда мухим аҳамиятга молик булган улкан тадбирлар амалга оширитмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қомуси (1992), «Таълим тўғрисида» (1997), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» (2000) қонунларнинг қабул қилиниши, «Соёлом авлод» давлат дастурининг жорий этилиши, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина қарорларнинг (1993, 1996, 1999, 2000) қабул қилиниши Республика аҳолисининг, кўпгина ўкувчи ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама камолотта эриштириш, буюк келажакнинг баркамол авлодларини тарбиялаш масалаларини очиқ-ойдин курсатиб берди. Бундай улкан ва улуғвор тадбирлар аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришда ва соёлом авлодни етиштиришда мухим омилилардан бирига айланмоқда.

Ижтимоий турмуш маданият ва соёлом турмуш тарзи деганда ёнг аввало ҳаёт кечириш ва меҳнат жараённида зарур бўлган шарт-

шароитларга, яъни моддий, маънавий, маданий жиҳатдан таъминланиш, энг илгор мағкуралардан мақсадли фойдалана олиш, тингч-осойишта яща, оила ва маҳалида (кишюк) иттифоқлик, ўзаро ҳамкорлик, дўстлик каби инсоний фазилатларни ўзига сингдириб олишни тушуниш ҳозирги куннинг асосий мазмунидир.

Юқорида зикр этилган кўп қиррали ва кенг қамровли ижтимоий – тарбиявий жараёнларни ҳётта сингдириш, айниқса оила, мактаб, барча тарбия муассасаларида, шунингдек меҳнат жамоалирида мустақиллик инъом этган мағкура, гоялар, маънавий-маърифий қадриятлар, гурур ва миллый ифтихор тушунчаларини янала кенгроқ ёйиш, уларга тўла амал қилиш йўлларини билишни одатлантиришни замон тақазо этмоқда. Бунда илмий-педагогик мерослар, аждодларнинг урф-одатлари, дошишманларнинг ўтилари муҳим аҳамият касб этиши турли соҳалар каби жисмоний маданият ҳаракатида ҳам ўз ифодаларини топмоқда.

Бошда такидланганидек, тарихий ривожланиш, аждод ва авладларнинг мерослари, айниқса инсонларнинг саломатлителгини яхшилаш, болаларни тарбиялаш ва бошқа соҳаларда изҳор этилган маълумотлар, далиллар ва ўтилар ҳозирги кунда ҳам мазмун ва моҳият жиҳатдан катта рол ўйнамоқда. Бунда «Авесто», «Алтимиш», «Гўрўли», «Қирқ қиз», «Тоҳир ва Зухра», «Шоҳсанам ва оциқ Фарид», «Кунгутумуш», «Рустамҳон» каби жуда кўп достонлардаги ижобий қаҳрамонларнинг рамзий фаолиятлари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Республика Президенти И.А. Каримов тақидлаганидек, «Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга азалдан бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда». Бундай таъриф ва тавсифлар юртимиз ёшлиарини Ватан ҳимояси, тингчлик ва осойиштагиликни таъминлаш йўлида, шунингдек ёшлиарнинг касб-хунарларни кунт билан ўргатиш, ҳаётда кўллаш каби муҳим маъсулиятларга даъват этмоқда.

Эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон аҳолисининг турмуш маданияти ва унинг равнақи қадим замонлар билан чамбарчас боғлангандир. Шарқона кийиниш, тўй-томошалар, турли миллый маросимлар, қариндош-уруг, кўни күшни, айниқса кудачиллик йўлида борди-келди қилиш, меҳмондўстлик, дастурхонни турли нознеъматлар билан тўлдириш, тўйларга сарф бўладиган моддий маъбаъларни жамғариш, ор-номус учун курашиш, уят, ийманиш, изтоҳзолик каби ижтимоий-тарбиявий жараёнлар миллий қадриятлар тарзида узоқ шиллардан буён давом этиб келмоқда. Бу ўз

навбатида аждодлар меросини қадрлаш, ўтмишта хурмат, маънавий-маърифий маданиятизни тўлдириш, тобора уларни давр талаблари асосида бойитиб бориш каби мўытабар гояларни ривожлантиришга қаратилмоқда. Бу йўлда халқ миллий ўйинлари ўзига хос ва мос хусусиятлардан иборатdir.

Ўзбек халқ миллий ўйинлари мажмумини ўзида мужассамлаштирган «Алпомиш» достонининг ижтимоий-маданий ҳамда тарбивий жиҳатлари, Алпомиш ва Барчиной рамзида миллий қадриятлар, ор-номус ва пашлавонлик каби муҳим жараёнлар мадҳ этилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Достонда тасвирланишича «Ўзбекнинг қизининг (Барчиной) айттан сўзи шу бўлди: Пойта қиласман, отини ўздирганга тегаман, минг қадамдан танга-пулни урган қарагай мерганга тегаман» -деган шартларини Қоражон алтига етказади. Бундан маълумки, қадимги авлод-аждодларимиз турмуш куришда йигитларни ҳар томонлама чиникан бўлишини талаб қилганлиги намоёндир. Шу билан биргаликда эл-юрт орасида адоват бўлмаслиги, тўй-тomoша ва полвошликни кўрсатишида адолат бўлишини истаганлар. Бундай рамзий маънолар ҳозиргши замон даврида яшаёттан барча халқлар учун жуда зарур эканлитини ҳам тан олиш керак бўлади.

Ўзбек халқининг севимли ўйинларидан бири кураш «Алпомиш» достонидан Алпомиш ва алпларнинг энг зўри Кўкаaldoш ўртасидағи олишувлар куйидагича тасвир этилган, яъни:

Иккови майдонда айланиб юрди,
Иккови белма-бел бўлиб олади,
Белма-бел олишса айрит бўлади.
Жуда ҳам олишди бу икки қайсар.

* * *

Шунда Барчин Алпомишга қаратадейди:
Йиқолмасанг, тўрам, навбат тилаийин,
Эркак либосини ўзим кияйин.

* * *

Кўп сўзларни Барчин сулув айтади,
Сўзи Алпомишта ботиб кетади.
Ўтдайин тулашиб шунқор кетади,
Файрати-ғайратта бекнинг етади.
Чирпиб Кўкаaldoш кўкка отади,

Анча ер ҳавога чиқиб кетади.

Алп Кўкалдош бу осмондан келади,
Калласиман келиб ерга уради.

Донишмандларнинг айтишнича, ҳар бир афсонанинг тагида бир ҳақиқат ётади. Юқорида айтилган байтлардаги тасвирлар афсона бўлса-да, аждодларимиз маданиятида паҳлавонларнинг курашибиши ўша давр ва қадимги замонларнинг орият, адолат йўлидаги ўта муҳим тарбиявий воқеалиқдан дарак беради.

Қадимдан таркиб топиб ҳозиргача оғиздан-оғизга ўтиб келаётган мақоллар, маталлар, қўшиқлар, эртаклар ва ривоятларда, шунингдек турли хил тарихий манбаълар, асарлар, ҳалқ оғзаки дурданалари ҳамда илмий-назарий меросларида инсон саломатлигининг моҳиятлари, унинг қадр-қомати, ижтимоий-турмуш шароитлардаги ўрни ҳақида жуда кўп ва маънавий – маърифий жиҳатдан бой ўғиглар сақланиб келинмоқда. Энг муҳими шундаки, уларда болаларни ёшлиқдан соглом ва бакувват қилиб ўстириш, уларни меҳнат ва ҳунарга ўргатишда жисмоний магшқлар, турли ўйинлардан Фйодаланиш йўлари ўз ифодасини топган. Уларнинг баззи бир йўналишлари ва намуналаридан мисол келтириш мумкин бўлади.

Мусулмон оламининг муқаддас китоби Куръони Каримда ва пайтамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларида соглом турмуш тарзининг асосий томонларидан ҳисобланган тозаликка риоя қилиш, тоза ва покиза юриц, хушхулқ ва меҳнатсевар бўлиш, бадан аъзоларини доимо ҳаракат қилдириб туриш, мұтгадил овқатланиш кабилар билан бир қаторда ёшларни меҳнат қилиш, касб – ҳунарга ўргатиш, жисмонан чишиғтиришга ҳам алоҳида эътиборни қаратган. Бу йўлда қуйидаги насиҳатларни эслашнинг ўзи кифоя қиласи, яъни: «Болаларингизга сузиш ва ўқ отишни ўргатинглар, кучли мўмин кучсиз мўминга қараганда маҳбуброқ ва Аллоҳга якинроқлир, от пойта қилиш жоиздир. Ўқ отиш яхши ўйиндир, ўқ отишни ўрганинглар, чунки у машғулотларнинг яхшиларидан биридир, кимки ёшлигида ўқ отиш сальнатили яхши эгаллаб, сўнг уни тарқ этиб юборган бўлса, демак у улуг неъматлардан бирини қўлдан берибди. Сафар қилишлар соглом бўласизлар ва ризқданасизлар» ва ҳ.к.

Бундан куришиб турибдики, Ислом дини ҳам кишиларнинг саломатлиги унумли меҳнат қилиши, касб-хунар эгаси бўлиш учун лоимо соглом бўлиб юриш, керак пайтларда жанговарлик фаолиятларни ҳам ишлата билиш зарурлигини эътироф этади.

Мусулмон шарқида ҳар соҳада донишмандлар кўп ўтган. Улар орасида Фаробийнинг фалсафаси, тиббиёт ва инсоният фаолияти-

да зарур бўлган муҳим тарбиявий жараёнлар ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Буюк олим сифатида Фаробий (780-850) «Қалб ҳолатини мўтадил саклаш учун соғлом вужуд зарур» -деган иборасининг маъмунида инсон танасининг соғломлиги, унинг вазифалари мужассамлигини аяглаш мумкин бўлади. Шунингдек унинг фикрича жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама камол топтиришда муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайди ва тарбиячи ҳам, тарбияланувчи ҳам мустаҳкам танага эга бўлишини кўзда тутади.

Яна шунни зътироф этиш керакки, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг «Ҳадис» парида «Ҳайит куни қиличбоэзлик, найзабозлик ўйинларининг жоизлиги, Каъбага пиёда бориши аҳд қилган киши ҳақида каби бобларида ёшларнинг ўз маҳоратларини халққа намойиш қилиш ҳамда узоқ масофаларга пиёда юриб, ўз соғликларини мустаҳкамлаш, қийинчиликларга бардош бериш, бу билан эса асл мақсадларига-Ҳаж қилишта эришишларини тасвир этган. Бу ўз навбатида барча мусулмонларни ҳаж қилиш йўли билан уларни чидамли, хайри-эҳсон, ўз кучкудратини оширишга даъват этганиligи сир эмас. Бундай гоялар барча кишиларни, айниқса ёшларни соғлом, бардам, чаққон, тоғаликка риоя қилиш, пиёда юришларга ўргатиш каби тарбиявий жараёнлар билан доимий равища банд бўлишни тавсия этади. Шу сабабдан Шарқнинг буюк алломалари Имом Исмоил Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амад Яссавийларнинг исходий фаолиятлари, ҳадис ва бошқа асарларида оиласда бола тарбияси, уларни ҳар қандай меҳнат ва шароитларга чицамли қилиб тарбиялаш заруриятлари олий мақсад қилиб кўйилганлигини билин мумкин бўлади.

Жаҳон тиббиёти оламида машҳур бўлган олим, файласуф, шоир, шифокор Абу Али Ибн Сино (980-1037) тиббиёт жисмоний тарбия таълими назарияси ва услубияти жараённита улкан хисса кўшиш билан бир қаторда соғлом турмуш, маънавият ва жисмоний камолотнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқди ва илмий мерос сифатида қолдирди. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асаридаги учинчи қисмнинг 17 фаслдан иборат бутун иккинчи бўлимини кишилар саломатлиги учун курашда жисмоний машқулардан фойдаланиш масалаларига бағишланган. Бу бўлимнинг дастлабки сатрларида ёқ жисмоний машқулар билан шуғуланиш ва ундан кейин овқатланиш тартиби ҳақида ҳамда уйқу тартиби саломатликни сақлашда ва ҳар томонлама камолотта етиловища муҳим шарт эканлиги кайд этилган.

Олимнинг жисмоний машқуларни ўзига хос тарзда турларга бўлишининг ҳам катта аҳамияти мавжуд. Жисмоний машқулар хилма-

хил бўлишини алоҳида изоҳлаган. Булар кичик ва катта, жуда кучти на суст, секин ёхуд илдам, бир неча кескин ва тез ҳаракатлардан иборат бўлиши, энг тез билан суст машқлар ўртасидаги мұлтадил машқлар бўлиши мумкинлигини ҳам билдирган. Тез бажарылладиган машқлар туркумига куйидагиларни курсатади, яъни: тортишув, муштлашиш, ўқ, ёй отиш, тез юриш, найза улоқтириш, баланддаги бирон буюмга сакраб осилиб олиш, бир оёқда сакраш, қилич ва найза билан қиличбозлик қилиш, чавандозлик, икала қўлни силкитиш ва х.к.

Равон ва енгил машқлар жумласига эса: аргимчоқ ва беланчак-да (халгинчак) тик туриб, ётиб силкиниб, қайиқ ва кемаларда сайдың қылыш кабиларни эсалатади. От ва түя миниб юриш, тахтиравон ва араваларда юриш күчли машқлар жумласидир, дейди Ибн Сино. Шунингдек ўз сояси билан олишиш, шаполоқ уриш, сакраш, найза учи билан санғыш, катта ва кичик тўп билан човғон ўйнаш, тўп ўйнаш, кураш тушиб, тош кўтариш, от чолгириш ва чопиб келаётган отни тұхтатиб кўйиш кабилар күчли машқлар хисобланышини такидлаган.

Умуман олганда Ибн Синонинг жисмоний тарбия ҳақидаги ўлмас илмий мерослари ҳозирги давр мутахассисоари томонидан янада кўйроқ ўрганилиши ва уларни ҳаётта сингдириш йўлларини тарф-ибот қилиш лозим бўлади.

Буюк сакарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли мемор, нотик, руҳшунос Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) ўз аскарларини жангларда енгилмаслик учун отда чопиш, найза санчиш отдан ағдариш, ерда курашиш, қиличлашиш каби мураккаб жисмоний машҳуларни бевосита ўзи Ҳргаттан, уларни чиғфитирған.

Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматовлар форсчадан таржима қылган «Темур тузуклари» китобида Амир Темур «Жанту жадал, уруш майдонига кириш, қүшинни сафлаш ва ғаним лашкарини синдириш тузуги» бўлимида шундай дейди: «...У ҳар бир сипоҳ фавжини уруш аслаҳаларидан бири деб билсин, ва ўқ-ёй, ойболта, қилғич, гурзи, пичоқ ва ҳанжар каби ҳар бир фавжни ўз ўрни келганда ишлатсин. Ишбилармон лашкарбоши, ўзини ва тўққиз сипоҳий фавжини бир тандек кўриб, уларни кўл, оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларини ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек хисоблансан».

Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ўзининг бу китобида: «Черик тушиб, навкар олмоққа уч қоидага амал қылдим. Биринчидан-йигитнинг куч-куватига, иккинчидан-қилични ўйна-

та олишига, учинчидан-ақл зақоватио – камолатига эътибор қилдим. Бу уч фазилат жамул-жам бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаким, куч -кувватли йигит ҳар қандай қийинчилкларга, азобуқубатларга чидамли булади, қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин.

Бундай ўтитлар ҳозирги ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш, уларнинг жисмоний камолотини меъёрига етказишида ҳалқ миллий ўйинлари Амир Темур қўллаган жанг санъати машқлари, ўйинлари зарурияти бор.

Саломатлик, жисмоний камолот, касб-хунар ва меҳнатта муносабат, уни шакллантириш усуллари хақидаги фикрлар XGY асрда яшаб ижод этган шоир, ҳаттот, табиб ва ҳаким Шаҳобиддин Абдулкарим ўғлиниң бир қатор асарлари, яъни «Шифо алмараз» (касалниклар давоси), «Тибби Шахобий» (Шахобий табобати) ва ҳ.к.ларда атрофлича ёритиб берилган. Жумладан бу асарларда соғлиқни саклаш ва мустаҳкамлаш, тўғри овқатланиш, парҳез, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, балан аъзоларини доимо ҳаракат қилдириб туриш кабилар хусусида фикр юритади, уларни шеърий мисралар орқали баён этади:

Агар бўлсин десангиз ҳатим кўп соз,
Парҳездан келтиринг бўлсин қишу ёз,
Хилма-хил аччиқдан ўзни тут ҳар дам,
Қорнингни тўлдирма, бўш кўймагин ҳам.
Ким еса гар киши соғлиқ бўлар ёр,
Кўп еса сиҳати ранждан тору мор.
Овқатни бир лайтда егин, эй одам,
Мол доим етандек емагин ҳар дам

Бундай ўтитлар ҳозирги даврда ҳам ўзининг қиймати билан машҳурдир, дейиш мумкин. Шунингдек, яна кишиларнинг ҳар доим мұтадил жисмоний ҳаракат қилишга чакириб, шоир дейди:

Ҳакимлар жисмоний ҳаракат қилмок
Керак, деб айтмишлар бўлиб иттифоқ,
Отда ё пиёда юришлар гоҳо,
Юришдан тўхташар чарчашса аммо.
Ўртача ҳаракат қилинган маҳал,
Қоринда бор овқат тезда бўлар ҳал.
Дармон лайдо бўлар томирларда ҳам,

Ўэини сезар киши тетигу бердам.
Аммо ошиб кетса юришининг ҳади,
Юз берар айтилган фойданинг зидди.

Бундай ҳәтий ва илмий-маърифий фикрларни ҳозирги ўкувчи ёшларга анатомия, гигиена ва б.к. фанларда таълим бериш жараёнларида эслатиш, уларнинг моҳиятларини ўша давр кишилари қандай тущунган ва изоҳлаған йилкларини билдишни сингдириш лозимдир.

Саломатлик ва унинг омили сифатида жисмоний тарбияга эътибор масалалари ҳақида айтилган илғор педагогик қараашлар фалак-киёт илмининг асосчиси Мирзо Улугбек (1393-1449) ва Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз сиймоларидан бири, шеърият султони ҳазрат Алишер Навоийнинг (1441-1501) буюк асарларида ҳам юқори кўтаришкилик руҳида ўз ифодасини топган.

Улугбек киши соғлом ва кучли бўлиши керак, бунинг учун эса ёшликтан жисмоний машқлар: дор устида юриш, кураш тушши, қиличбозлиқ ва ҳ.к. билан шуғулланиш зарурлиги ҳақида таълим берган. «Шундай кишигина, - дейди Улубек Гам – ташвишга камроқ мойил бўлади ва Ватанни душмандан ҳимоя қила олади».

Алишер Навоий шахсни шакллантиришга унинг соёлиги, жисмоний ривожланиши ва соғлом турмуш кечиришга катта эътибор берган. Унинг севимли адабий қаҳрамонлари (айниқса Фарҳод, Искандар, Баҳром ва ҳ.к.) жисмоний соғлом жасур ва мард бўлиб ҳар доим ғанимлар устидан муваффақият қозонишганлигини кўрамиз. Навоий яхши инсонларнингина ўзгаларга яхши сабоқ ва таълим бера олади, улар ҳар доим кишиларни хайрли ишларга йўллайди ва унга раҳбарлик килади, деб баҳо беради. Тарбиянинг бу усули ўкувчиларда соғлом турмуши тарзини шакллантиришда, миллий қадриятларнинг моҳиятларига етишда муҳим педагогик куч-кудрат ҳисобланниши табиийдир.

Алишер Навоий ўз асарларида шунингдек, овқатланиш, ичкиликбозлиқ ва нашавандлик каби илланларини ҳақорат қўлиб ва кишиларни бу иллатлар йўлидан йироқда бўлишга чақиради.

Бодага кўргузса киши хийралик,
Ақл чирогига берур тийралик.
Гарчи сувдек Софию мавзун эрур,
Сувлигидин ўтлиги афзун эрур.

Айтиш лозимки, бу сатрларда буюк шоир боланинг (спиритичмилеклари) инсон танаси ва ақлига қаңчалик салбий күрсатиши, ундан четда ўзини сақтай олиш кераклигини огоҳ этган.

Сир эмаски, ҳозирги мустақиллик шароитимизда болани сув ўрнида истеъмол қилувчиilar, унинг натижасида кўнгилсиз ҳодисалар юз бериш ҳолатлари учрайди. Айниқса вояга етган ёшлар орасида чекиш, ичиш, гиёхвандлик, бузгунчилик, ўризлик каби ишлатлар давом этаётган бир вақтда оила, маҳалла, ўкув юртлари, меҳнат жамоалари ва б.к. жойларда Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг панд-насиҳатлари, ўтигларини кўпроқ эслатиш, намуна қилиб кўрсатиши лозим бўлади. Бундай муракқаб ва ўта маъсуллиятли жараёнларда жисмоний тарбия мутахассислари кўпроқ фикр юритишлари, уларни амалда бажаришлари шарт бўлади.

Шу ўринда бир фикр туғилади, яъни ҳар бир инсонни, айниқса болалар ва ўкувчи ёштарни ҳар қандай шароитда ҳам (яхши ёмон ҳолатлар) ўзини тута билиш, Аллоҳнинг зулми, қонунилар белгилаб берган чегаралар, ота-оналар, ака-укалар, маҳалла аҳдлари ва ҳ.к., ни кўз олдидан ўтказиш, ўзини тута билишдек кучли неъматларни ҳазм қила билдига ўргатиш керак. Бу унчалик осон эмас, шундай бўлсада, жуда кўғчилик кишилар, ёшлар бунга тўла амал қилаётганликлари жуда кувончили ҳолдир.

Шарқ халклари, айниқса Ўзбекистонда Темурийлар сулоласи, улар даврида яратилган маланий, тарихий обидаларда таълим-тарбия ва саломатлик жараёнлари мужассамлашиб кеттан.

Машҳур саркарда, подио ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1553) ўзининг ҳарбий юришларидан бирини баён этар экан, манзилгоҳда полвонлар курашга тушгани, қайиҷчи (эшкакчи) паҳлавон Лохурӣ Дӯст Ёсин Хайр деган полвон билан олишганлиги, иккаласи узоқ вақт курашгани, Дӯст Ёсин рақибини жуда қийинчилик билан йикитганлигини алоҳида такидлаган.

Такидлаш зарурки, жисмоний тарбия ва спорт тарихини ўрганишда анча меҳнат қилган мутахассис олимлар Р.Исмоилов, Ю.Шолмицкийлар «Ўзбекистонда физкультура тарихи» (1968) ўкув кўлланимасини яратдилар. Унда Бобур ва унинг авлодлари даврида кураш, отда пойга ва сув спортига доир жуда кўп маълумотларни келтиргандар.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёning турли худудларида яшаб ижод қилган шоир, табиб ва хаттотлар Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-Габиб ал-Харавий (ХV-XVI аср), Ҳаким Давоий ал-Гилюний (ХVI аср) Саййид Муҳаммад Ҳасрат (ХVIII аср) асарларида ҳам саломатлик, соғлом турмуш даражаларининг турли жабҳала-

ри, айниқса бадани доимо тоза тушиш, тұғри ва меңеріда оқаттапшиш, бүш вақтни зое кетказмасдан ундан мақсады ва унумлы фойдаланиш, кишилар билан күшкүл мұомилада булиш, ижтимоий фойдалы мәжнагдан буйин төвламаслик, ичкиликбозлық, каби зааралы иллатлардан үзокда юриш, бадан аъзоларини доимо фаол ҳаракат қылдирған бориши, сафар ва сайдар қылыш каби хусусияттар ҳақида ёзиг қолдирған ибратлы фикрлар жула күл.

Сайид Мұхаммад Ҳасрат Ұзининг «Низоми сиҳат» (Саломатликни сақлаш қоидалари) китобида жисмоний машқулар билан шугулланиш зарурлiği, унинг фойдаси, турлари ва белгилари тұғрисида жуда қымматли фикрлар берганliginинг гувохи бўлиши мумкин, яъни:

Уқ отмоқ ва ёки тошни иргитмоқ,
Гүй ила чавғонда үйинга ботмоқ.
Елкаю-құлларни қыттар мусаффо,
Бўйину белга ҳам айни муддао.
Яна тез юрмоқдан бадан пок бўлар,
Тиззаю болдирга куч-куват тўлар.
Умумий риёзат нимадир инсон
Минмоғи чопмоқдир эрта-кеч ҳар он.
Пиёда юрмоқ ҳам умумий бўлар,
Баданинг ҳаммаси фойдага тўлар.

Табиб Юсуфий эса ӯзининг «Қасида дар ҳафизи сиҳат» (соғлиқни сақлаш ҳақида қасида) асарыда камҳаракатлилик соғломликка ўта зид эканлитини тақидлайди, яъни:

Эйки, гайрат ичра машхур, жим ётиш айни зарар,
Йигилур тан ичра ундан фойдасиз хилтлар ёмон.

Шуғи ҳам алоҳида эслаш лозимки, ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолатига оид илғор ижтимоий – педагогик қараашлар Кайковусининг «Қобуснома», Фирдовсийнинг «Шойқнома», Юсуф Хож Хожибининг «Кутадғу билик», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг Баҳористон, Навоийнинг «Саъди Искандарий», Аҳмад Донишнинг «Уғилларга насиҳат», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларида ўз ифодасини топғанлитиги ҳозирги куннинг муҳим тарбиягий омилларига айланмоқда.

Бу йўлда яқин ўғмишпимизнинг доиншманд олимларидан бири Адулла Авлоний ҳам анча мукаммал ва пухта фикрлар берганлитиги-

ни күриш мүмкін, яғни: «... ўқимоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ да ўртатмоқ учун инсонга күчлик, касалсиз жасад лозимдір. Соғ бадаңта әтә бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик килурлар. Машшатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлиқдір. Биз сиҳатимизни сақламоқ ила амр ўлинганимиз (қилинганимиз), шунинг учун вужудимизни хазифизи-сиҳатта зид бўлган ёмон одатлар ила чуритмақдан сақланмоғимиз лозимдір. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила рух иккиси бир чопоннинг ўнг ила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювиб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур».

Абдулла Авлонийнинг бундай чукур фикрлари ва ўтиларида жуда катта маъно ётади ва улар ҳозирги инсонларни, энг аввало ўкувчи ёшлиарни милий қадриятлар, маънавий-маърифий маданиятт, миллий ғуур ва ифтихор хис туйгуларини тўла англашга чорлаш билан биргаликда доимий равишда соғлом бўлиш, ўқиши ва меҳнат жараёнларида ўз қобилияtlарини ишга солиш, энг муҳими жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ миллий ўйинлари билан мунтазам шугулланиб туришга чорлайди. Бу эса ўз наъбатида соғлом авлод давлат дастури, «Алпомиши» ва «Барчиной» маҳсус тестуари талабларини изчил бажариб боришга одатлантиришда муҳим даражада хизмат қилиши лозимдір. Шу сабабдан ўқиши ва меҳнат жараёнларида фаолият кўрсатувчи жисмоний тарбия ходимлари ажоддларимиз меросларини чукур ўрганишлари, уларни соғлом фикр йўли билан таҳлил қилишлари, ҳамда барча ўтиларни амалда бажаришга ҳаракат йўлида соғлом қилиб тарбиялаш, буюк келажак авлодларининг баркамол бўлиб юришларини тъминлашга хизмат қилиши зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда соғломлаштирувчи омиллар таркибиға кирувчи барча жисмоний фаолиятлар, ҳаётда учрайдиган табиий амаллар, ҳалқ миллий ўйинлари қадимги ажоддларимиздан қолтан буюк мерос ва бебаҳо неъматдір. Булар ҳақида олий даражада фикр юритган ва ўзларининг ўтиларини изҳор қилиб кетган буюк алломалар, донишманчлар, давлат арбобларининг жисмоний тарбия, саломатлик, инсон фаолияти, ақл-заковати ҳақида сўнмас асарларини ўрганиш, ҳозирги давр тақаюси билан ҳаётта боғлаш муҳим пазифаларидан бири бўлмоғи керак.

3.2. ҲАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ-ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИДИР

3.3. 1. ҲАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ ҲАҚИДА ҮМУМИЙ ТУШУҢЧАЛАР.

Саломатликни яхшилаш ва жисмоний баркамолликни юксалтиришида Ҳалқ миллий ўйинларининг хусусиятлари, фазилатлари ва тарбиявий моҳиятлари үзига яраша ўринларга эгадир.

Таъкидлаш зарурки, фалсафада қарама-қаршилик бирлик қонуни деган түшүнчалар мавжуд. Шу асосда фикр юритилганды соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уни янада такомиллаштириш жараёнида ижобий ва салбий томонлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Очикроқ айтганда тингчилик, осойишталик, фаровоптик, ўзаро хурмат ва дўстлик йўлида ғов бўлувчи разил, ёвуз кучлар ҳам биргаликда ривож топиб боради. Бу қадимдан қолган салбий жиҳатлардан бири деса бўлади.

Тан олиш керакки, ёмон ниятли кишилар ва ёвуз кучларда хизмат қилувчилар маҳсус жисмоний тайёргарликларга тўла эга ва ҳар қандай фаолиятларга қодирдирлар. Уларга қарши курашибиши ва ўз-ўзини ҳимоя қила билиш мақсадида барча фуқаролар, айниқса ўкувчи ва ишчи ёшлиар жисмонан бақувват, ҳимоя қилиш машқуларини тўла ўзлаштириш, зарур бўлганда рақибларга хеч қандай йўл бермаслик имкониятларига эга бўлиши лозим.

Бундай фаолиятларни ўзлаштиришда шаркона якка курашилар, миллий спорт турларимиз (кураш, турон, кўл жанги ва ҳ.к.) муҳим аҳамият касб этмоқда. Шулар қаторида Ҳалқ миллий ўйинларини яхши билиш, уларни амалий жиҳатдан мукаммал эгалланш лозим бўлади. Бунда айниқса отда юриш, от устида турли хил муракқаб жанговар ҳаракатларни бажара олиш, узоқ масофаларга, тогларга юришда турли тўсиқлардан ўтиш, тез оқар дарёлардан кечиб ўтиш каби ҳёттий зарур бўлган амалий фаолиятларни ёшлиарга доимий ралишда ўргатиб бориш давр талаби деса бўлади.

Бугунай ҳолатларни алоҳида таҳидлашдан максад шундаки, Тошкентда 1999 й. 16 февралда қора ниятли, ёвуз кучлар хукумат биносини портлатишига ултуришиди. Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг баъзи худудларигда ёмон ниятли кишиларнинг галамис хуружлари ишга тушган эди. 2001 йилнинг 11 сентябрида эса АҚШнинг осмон ўтар мұжіашам бинолари, самолёт билан портлатиши, 6 минг кишиларнинг умри завол бўлди. Оқибатда эса Афғонистон худудларида аёвсиз жантлар, оммавий курбонлар давом эт-

моқда. Бундай нохуш ҳолатлар юртимиз ахолиси, айниқса чөнрага-
дагиларға қағиқ таҳдид бўлиб қолмоқда. Бундай кўнгилсизликлар
ва баҳтсизликларни юртимизда ички ва ташқи ёвузликлар таҳдид
солмайди, деб кафолат бериш қийин. Шунингдек юртимизнинг
бошқа чистагаларила ҳам доимий равишда осойишталик ҳукм сур-
ди, деб ишониш амри маҳоддир.

Шу сабабдан Республика Президенти 2001 й. 5 октябрда факат
маҳалий Халқимизагина эмас, балки жаҳон Халқларига ёвуз куч-
лар, террорчиликдан огоҳ бўлишга мурожаат этиб, барча кучларни
бирлаштириш, террорчиликни йўқ қилиш зарурлигини қайта-қайта
уқтириди. Эркпарвар инсонлар ўз мулоҳазаларни билдиришда юр-
тимиз йўлбосчисининг таклифларини макулламоқдалар.

Юқорида қайд этилган мулоҳазаларга таянилса, ахолининг са-
ломатлигини яхшилаш йўлида ўқувчи ва ишчи ёшлиарниң жисмон-
дан ва маънан камолатта етказини, уларниң баркамоллигини яна-
да мукаммалаштиришга тўғри келади.

Такидлаганимиздек, жисмоний тарбиянинг муҳим омишлари-
дан бири сифатида ва ҳар қандай ёвуз кучларга барҳам бериш учун
тайёр бўлишда Халқ миллий ўйинларидан мақсадли фойдалапшига
ҳаракат қилиш лозим бўлади.

Миллий қадриялар ва Халқимизнинг маънавий-матърифий ма-
даниятини қайта тиклаш ва уларни замонавий таълаблар билан бой-
итиш жараёнларида Халқ миллий ўйинларига ҳам алоҳида сътибор
бериб келинмоқда. Айниқса «Наврўз», «Курбон ҳайит», «Рамазон
ҳайит», тўй маросимларини ўтказишга кенг ўрин берилиши ва
уларга кураш, дорбоз, кўпкари, пойга, виз қувмоқ, ҳаракатли
ўйинларни уларда кўллаш юртимиз истиқболи ва ахолининг тур-
муп фаровонлигидан далолатдир. Шу билан бирга миллий ўйинла-
ритини мазмунни ва ижтимоий-педагогик мөҳияларини итмий асос-
да оммалаштириш мақсадларига қизиқишлар тобора кучаймоқда.

Мустақаллик йиллари даврида Республиканинг деярлик барча
газеталари, журналлари, телерадиоларда Халқ миллий ўйинлари
билин боғлиқ мақолалар, тадқиқот натижалари, турли хил фикр-
мулоҳазалар кенг ёритилиб келинмоқда. Буларда фалсафа фанлари
доктори У.Қорабоев, санъатшунослик фанлари номзоди И.Абду-
раҳмонов, журналистлар F.Раҳмон, X.Саттаров, жисмоний тарбия
ва спорт соҳасидаги етакчи олимлар Т.С.Усмонхўжаев, А.К.Атоев
ва жуда кўп мутахассис ҳамда ёш исходкорлар сермаҳсул ишлари
билин фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Педагогика фанлари доктори профессор Т.С.Усмонхўжаев раҳ-

Барлигига нашердан чиқарилган «Минг бир ўйин» (1001 ўйин), «Ҳаракатли ўйинлар» ва «Кураш» дасрлиги (А.Қ.Атоев) ва қатор илмий-назарий оммабоп рисолалар Халқ миллий ўйинларининг мазмуни ва тарбиявий жиҳатларини ўз ичига олади. У.Қорабоев-шинг «Ўзбек Халқ ўйинлари» китоби қадимги ажододлардан мерос бўлиб келган турли туман ўйинларни, уларни ўрганиш ва қўллаш йўларига бағишланганлиги билан олқинга сазовордир. Айнан шу китобда Халқ миллий ўйинларининг соҳавий турлари ва уларининг келиб чиқиши жараёнлари ҳақида жуда бой материаллар баён этилган. Ундаги баъзи бир муҳим томонларни куйидагича келтириш мумкин бўлади, яъни:

1. Илдизи узоқ тарих билан боғлиқ овчиликка доир ўйинлар. Бунинг негизида чорвачилик юзага келганингини такидлаш лозим бўлади.

2. Чорвачилик ўйинлари от, ҳўқиз, эшак, тuya, бугу ва б.қ. ҳайвоналарнинг меҳнатларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг ҳаракатини тақдид қиласидиган ўйинларнинг юзага келиши.

3. Дехқончилик ўйинлари, одамларнинг баҳордаги меҳнат маъсимида кириши ва кузда ҳосил йигиш кунига бағишланган маросим ўйинлари ижтимоий меҳнат шароитидан келиб чиқсан.

4. Шунингдек Халқ ўйинлари орасида бошқотирма (кроссворд), сўз, қўшиқ, рақс ўйинлари ҳам мазмун ва можият жиҳатидан фаол ҳаракат ўйинлари таркибидан жой олганлигини зътироф этиш керакдир. И.Абдурамоновнинг «Ўзбек Халқ ўйинлари» (У.Қорабоев) китобига тақриз сифатида ёндалиб («Спорт газетаси, октябрь 2001 й.») табиатда и иклимий ўзгаришлар, йил фаслларига мос табиий-мавсумий ўйинларнинг вужудга келишига замин яратганлигини тақидлайди ва уларни куйидаги йўналишларда ифодалаб берган, яъни:

1. Ҳудудий ва турли жойларга мос ўйинлар ҳам алоҳида туркумини ташкил этади. Муайян жойга мос ўйинлар бошқа жойда номаълум бўлган.

2. Турли ёшларга мос ўйинлар ҳар бир ёшга хос ўйинлар бор. Ёшларга оид феъл-атвор фазилатлар ўйин шакли ва мазмунини белгилаб берган. Бола ултайган сари унинг ўйини ҳам жиддийлашиб бораверади.

3. Турли жинсдагилар ўйинлари. Ҳаммабоп ўйинлар билан бир қаторда ўғил болалар ва қизлар ўйинлари, кейинчалик эса эрқак ва аёллар ўйинлари ажralиб чиқсан. М: ёш қизларга кўнғироқ ўйинга мойиллик сезилса, ўғил болалар эса иш ва уриш қуролларига ўхшаш ўйинчоқлар талаб қилишган.

4. Маълумот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўйинлар «Ов ўйини», «Кийикови», «Подачи», «Хирмон-хирмон», »Ковушим», «Сартарош», »Темирчи», ҳатто ҳарбийларнинг ҳам ўз маълумотларга мос келадиган «Уриш-уриш», «Аср олиш» каби ўйинлари ижод этилган.

5. Воқеабанд (театрлаштирилган, сюжетли) ўйинлар тарихий воқеаларни ҳаётнинг таъсири, қизиқарли дақиқаларини бадиий ижодий ифодалайди. М: «Подшо-вазир», »Эскичопон» ва ҳ.к.

6. Ҳаракатли ўйинлар этгалилик, чақонлик кўпчиллик мусобақачи сифатида бир неча томонлар ўргасида ўйналган.

7. Турли воситали ўйинлар. Бу ўйинларни иккига бўлиш мумкин: моддий воситалар (овунчоқ, кўғирчоқ, ўйингчоқ ҳамда таёқ, тош, тўп, ёнроқ ва ҳ.к.) ёрдамида амалга ошириладиган ўйинлар, иккингчиси эса маънавий ўйинлар, яъни бадиий ифодали воситалар (фикр, сўз, кўшиқ, рақс, театр кабилар) ёрдамида бажариладиган ўйинлар.

